Тошкент ҲАҚИҚАТИ

№ 69 (10.495).

1993 йил, 17 июнь пайшанба

Нархи 10 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий–сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

НИДЕРЛАНДЛАР ҚИРОЛЛИГИДА ТЎРТ КУН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Голландияга сафари муваффақиятли ўтди

Голландиянинг шарқий вилоятларидан бирида «Вестланд» деган сабзавот аукциони бор. Бу ташкилот бир неча юз фермернинг бошини қўшиб, улар етиштирган ҳосилни сотиш билан машғул. Ким нима экади, қачон ва қанча экади — ниманики муаммо бўлса, барчаси ўзаро келишилган ҳолда ҳал этилади. Энг муҳими — харидор топиш ва мўмай пуллаш. Одатда биз аукцион деганда қўлига болғача тутган сўзамол жаноб ва «ким ошди» савдосини тушунамиз.

«Вестланд»да эса бунинг акси — энг баланд баҳо қўйилиб ана ундан кейин астасекин пастга тушилади. Тузукроқ ўйлаб қаралса, ўзимизнинг шарқона бозорга ҳам ўхшаб кетади. Яъники, мол эгаси оғзига сиққанини айтади, харидор ҳам айтайлик, хўроз олмоқчи бўлса, жўжа баҳосидан бошлайди.

«Вестланд» аукциони, турган гапки, замонавий техника билан жиҳозланган. Нарх тепадан пастга қараб тушаверади. Харидор иафас ютиб кутиб туради, ўз мўлжалн келган жойда чаққонлик билан тугмачани босади: «Мол — меники!»

Барча синоат шундаки, сотилаётган молнинг нархи ҳеч қачон аслидан пастга тушмайди. Залда йиғилган одамлар ўша асл нархни билади. Муайян бир харидор ўзи мўлжал этиб келган нархдан камроқ тўламоқини ният қилса, яъники, нарх янада пастроққа тушишини кутиб турса — иши пачава. Негаки, унинг ёнида ўтирган харидор ҳам чакки эмас, у ҳам чўнтакни қаппайтириб келган — шундоқ бурнининг тагидан молни олиб кетиши мумкин.

Беш кун олдин Президент Ислом Каримов ана шу корхонада бўлди. «Вестланд» бошлиқларини саволга кўмиб ташлади. Лекин жавоблар аниқ ва лўнда эди. Бу ерда ўғит.ташвиши йўқ, транспорт ташвиши йўқ, харидор ташвиши йўқ. Қайси далага нима экилади ва бу даланинг ҳосили қай куни ауксионга келади — барчаси олдиндан режа этиб қўйилган. Турли қурт-қўнғиз, ўзбекчасига «зараркунанда» масаласига келсак... бу ҳам катта муаммо эмас. Дори-дармонлар хоҳлаганча топилади, аммо кўп ишлатилмайди. Экин кушандаларига қарши биологик усуллар қўлланади.

— Экинларни зарармунандалардан сақлашда ҳам фирма ёрдам берадими? — деб сўради Ислом Каримов.

— Йўқ, бу вазифа — ауксион-кооператив аъзоларининг ўз зиммаларида, — деб жавоб берди ауксион бошлиғи.

— Агар бирорта ер эгаси бегамлик қилса, ерини чиғиртка ёки бошқа бирор ҳашаротга бериб қўйса-чи? — деди Президент ҳам бўш келмай. — Ахир, бунақада ҳашарот бошқа далаларга ҳам ўтиб кетади, бошқа деҳқонлар ҳам зарар кўради-ку?

Ауксион бошлиғи қаттиқ ўйланиб қолди. Манзарани аниқ тасаввур этди чоғи, саросимага ҳам тушди. Лекин, бир муддат ўтиб, сал хижолат чекиб сўзлади:

— Афв этасиз, Президент жаноблари. Умуман, сиз айтган фикр тўғри — бир фермер ялқовлик қилса, бошқаси ҳам зарар кўриши тайин. Аммо бу нарса бизнинг голланд фермерлари табиатига тўғри келмайди.

Президент Ислом Каримов ҳам, ауксион раҳбарлари ҳам, борингки, жамики йиғилган халойиқ кулиб юборди. Ростдан ҳам, ялқовлик голланд деҳқони табиатига тўғри келмас экан. Сабаби аён — ишлаган тишлайди. Мамлакатнинг асосий ақидаси ҳам аслида шу. Бу ерда маҳсулот сифати, маҳсулот таннархи ҳақида гаплар кам бўлади. Бунинг ҳам сабаби аён — биз айтган қоидалар деҳқон аҳлининг миясида «икки карра икки» каби муҳрланиб қолган.

Ауксиондаги суҳбатни эшитиб, беихтиёр Ислом Каримовнинг охирги сессияда сўзлаган нутқини эсладик. Рости, ҳокимият тепасига келибдики, Президент шу фикрни такрор ва яна такрор айтади: меҳнатга муносабат бошқача бўлиши керак, текинхўрлик кайфиятини тугатиш керак, одамларнинг психологиясини тубдан ўзгартишимиз керак.

Нидерландия Қироллигида бор-йўғи тўрт кун бўлдик. Тўрт кун тугал атрофимизга ҳавас билан қарадик. Баъзида ҳавас туйғуси аччиқ аламга айланган пайтлари ҳам бўлди. Деярли ҳар куни ёмғир шаррос қуйиб турадиган бир мамлакатда шундай тўкин ва тўкис ҳаёт яратилган экан, хўш, нега ўзимизда, тепасидан қуёш аримайдиган, тупроғининг ҳар ҳовучи зарга тенг бир мамлакатда, ана шундай жаннатмонанд Ватанда биз ўзимизга муносиб ҳаёт тузолмадик?

Койинишдан наф йўқ. Негаки, биз неча замондирки батамом ғофил эдик. Дунёда шўродан афзал тузум йўқ, мушкулотлар бари — ўткинчи, барибир тез орада комфирқа раҳнамолигида муқаррар саодатга эришамиз, деб ўйлардик. Сарҳадни ҳаталаб ўтиш қийин эди. Чегара нарисига садоқатли қуллар юборилар ва улар яна юртга қайтиб, ўз Советлар юртидан афзалини кўрмадик, деб сафсата сотар эдилар. Энди билсак, дунёда гап кўп экан. Шу қадар кўпки, ҳайратимиз ҳам етмай қоляпти.

Аммо — ҳайрат ўз йўлига. Ҳайратни сал жиловлаб, ибратга ўтмоқ чоғи келди. Эски замонда ихтиёр ўзимизда эмасди, энди мустақил бўлдик, энди ёруғ дунёни кўряпмиз, ўрганяпмиз. Орзуимиз шуки, шогирдлик муддати қисқароқ бўлса, сочга кул сепиб, ўтмишни қарғашни бас қилиб, амалий ишларга ўтсак.

Дарвоқе, Президент Ислом Каримовнинг зиёрати ҳам расмий-амалий деган унвонда эди. Амалий экани ростдирки, «Вестланд» ауксионидан чиқиб, ўзимизнинг Тошкент ва Самарқандда ана шундай сабзавот ауксиони ташкил этиш хусусида сўз юритди.

Голландия — кафтдай текис мамлакат. Қир-тепалик тугул, бирорта дўнглиги ҳам йўқ. Майдоннинг учдан иккиси денгиз сатҳидан пастликда жойлашган. Агар мамлакат четидаги дамбалар олиб ташланса, ҳамма томон сувга тўлган бўларди. Бу ерда эса акси — денгиздан ер тортиб олиш давом этяпти. Сув ўртасида дамба қўтариб, бир қисм денгиз ўраб олинадию бу тарафда қолган сув дамба ортига чиқариб ташланади. Қарабсизки, бир олам унумли ер деҳқонга маҳтал бўлиб турибди!

Саёҳатнинг учинчи куни Президент Каримов «Польдер» зонасига, яъники денгиз тубидан тортиб олинган янги ерларга борди. Чор атроф дала — буғдой, картошка, карам, қалампир... юзлаб гектар лолазорларни қўриб ҳайратинг ошади. Биз лолани кўнгил қувнаши учун эмас, голландлар эса мисоли картошка каби пуштлаб экиб, маълум муддатда йиғиштириб, бошқа юртлардаги харидорларнинг қўзларини қувнатади.

Яйловларда серсут сигирлар ўтлаб юрибдики, елинини зўрға қўтаради. Кичик бир фермага бордик. Эр-хотин ва уларнинг ёлғиз ўғли. 42 гектар ерлари бор. 150 серсут сигир. 120 бузоқ. 125 қўй ва қўзи. Атай молхонага кирдик. Ўзимизнинг ферма оғилларидан заррача фарқи йўқ. Фарқи — сигирлари. Биттаси 50 литргача сут беради. Ҳаммаси қанча беришини эшитиб ҳайратга тушасиз: бир миллион литр!

— Бу — оз, — деди фермер йигит, — миллион литрдан кўпроқ ҳам берадиг-у, лекин ҳукумат чеклаб қўйган, қўшимча квота олиш учун озгина пул керак.

Сезяпсизми, у тарафда дунё сал тескарироқ. Бизнинг мамлакатда бирорта фермерга ҳукумат вакили келиб: «ука, сал камроқ сут топшир, мамлакатда сут кўпайиб кетди, сотишимиз қийин, бир тарафи нархни тушириб юборасан», деб айтишини тасаввур этинг-чи!

Голландияда бу нарсани тасаввур этиш шарт эмас. Голланд воқелиги ўзи шунақа. Ҳеч ким ажабланмайди.

Уч киши миллион литр сут билан чекланмайди. Уларнинг пишлоқ пиширадиган кичкина зовутлари ҳам бор. Пишлоқ сифати зўр. Сифати зўр деб, ҳукумат уларга кичкина ёрлиқча ҳам берган. Ҳар каллак пишлоқ юзасига ёпиштириб қўйилади. Сифат бузилса-чи? Бузилса — қийин. Ҳукумат берилган ёрлиқчани олиб қўяди. Турган гапки, ёрлиқчаси бўлмаган пишлоқнинг нархи ҳам пастга тушиб кетади.

Хуллас, ўрганса бўладиган гаплар кўп. Биз, журналистлар, ҳамма синоатга ҳам тушунавермаймиз. Аммо Президентимизнинг ёнида вазирлар, ҳокимлар, бошқа мутахассислар ҳам бор эди. Улар ҳам дафтарларига кўп нарсани ёзиб олишди. Зора, энди кўрган-кечирганларини ўз юртимизда ҳам амалга оширсалар...

Голландия — аграр соҳада дунёда биринчи ўринда туради, деб айтсак хато бўлмайди. Экспорт ҳажми жиҳатидан Америка Қўшма Штатлари ва Францияга сал ютқизади. Лекин бу ҳам жуда нисбий гап. Сабабки, бу мамлакатнинг ўзи мўъжаз. Ўзбекистон майдон жиҳатидан ўнта Голландияга тенг келади. Ана шундан ҳисоб қилаверинг. Сут, пишлоқ, гўшт, колбаса, мева-сабзавот... Хуллас, голландлар экспорт қилмайдиган маҳсулотнинг ўзи йўқ. Картошкага келсак, бу ерда ҳеч ким уларнинг олдига тушолмайди. Буғдойи ўзига етиб-ортади, ортиқчасини бошқаларга сотади, Тасаввур этинг: кафтдек текис ва кафтдек кичкина бир мамлакат, аммо иқтисодий қуввати қанчалар юксак! Бўш қолган ери йўқ. Барида экин бор. Уйлари шинам, чиройли, қулай. Ўрмонлари, кўллари кўп. Кўп, аммо барчасининг ҳисоби бор. Айтишларича, голландлар қайси ўрмонда қанча дарахт борлигини аниқ билишади, қайси дарахт қачон аррага келишини ҳам билишади. Лоф деб ўйласангиз ҳам майли, улар ҳар бир ёғочни қайси муддатда ва кимга сотишни ҳам аввалдан қоғоз-қалам этиб қўйишади.

Ана энди, ўзгалар таърифини чеклаб, ўзимизнинг ўзбек заминига қайтайлик. Еримиз борми? Бор. Офтоб ҳам деққончилик. Сув-чи? Сувимиз ҳам ширин. Камроқ деб шикоят қиламиз-у, лекин қадрига етмаймиз. Исрофи ошиб кетгани билан ишимиз йўқ. Бир йилда икки ҳосил кўтариш мумкинлигини ҳам биламиз, аммо бунга иштиёқ кам.

Президент Каримов Германияга сафари чоғида саноатни ўрганишга кўп вақт ажратган эди. Бу гал у қишлоқ билан қизиқди. Деҳқонлар, чорвадорлар билан кўпроқ суҳбатлашди. Ният — аниқ. Тажриба ўрганиш ва ўзимизда ҳам уларникига ўхшаш технологияларни жорий этиш.

Яқин келажакда ишга тушадиган лойиҳа тайёр. Мазмуни шуки, Ўзбекистон заминида Голландиянинг мўъжаз шакли яратилади. Улар экадиган зироатлар ўзимизда ундирилади. Улар етиштирадиган сут ва гўшт маҳсулотлари ўзимизда тайёрланади. Технология, уруғ ва насл — уларники. Меҳнат усуллари — уларники. Меҳнатнинг ўзи — биздан, еру сув — биздан. Иншоолло, бу ният тезда амалга ошиб, яхши натижалар берса, одамларимиз бу натижаларни кўрса ва ибрат олса.

Голландияда Ўзбекистонга қизиқиш катта. Ислом Каримов жуда кўплаб фермерлар, тижоратчилар, банк эгалари билан гаплашди. Ўзбекистонни тўғри таърифлади. Қусурларимизни, камчиликларимиз, етишмовчиликларимизни ҳам яшириб ўтирмади. Биз билан ҳамкорлик этаётган корхона ва шаҳарларни санади. Кўрилажак наф икки тарафга ҳам тегишини сўзлади. Хуллас, шусиз ҳам катта қизиқишни янада оширди.

Ёдингизда бўлса, Германия сафари чоғида «Дойчебанк» раҳбарлари билан учрашув бўлган эди. Сафар тугаши билан, банкирлар Президентимизнинг ортидан етиб келишди ва яхшн ҳамкорлик бошлашди. Яна бир ярим ойдан кейин, аниқроғи 1 сентябрда Тошкентда «Дойчебанк»нинг бўлими очилади.

Голландиянинг Ай Эн Жей групп банки билан алоқаларнинг бошланиши ҳам чакки эмас. Учрашув чоғидаёқ жаноб Линденберг бизнинг беш нафар банк ходимини ўқитиб беришни ваъда қилди. Ният этилган банк филиали Тошкентда очилса, голланд сармоядорлари билан ҳисоб-китоб ишлари осонлашади.

Сафар натижаси ўлароқ, давлатлараро муносабатлар принциплари ҳақида баёнот ва иқтисодий ҳамкорлик ҳақида протокол имзоланди. Сармояларни муштарак муҳофаза этиш ҳусусидаги ҳужжат имзолашга тайёр, дея эътироф этилди.

Нидерландия матбуоти, хусусан, «Телеграф», «Алгемайн цагблад», «Фолкскранд» ва бошқа етакчи газеталар ҳар куни сафарга доир хабар ва суратлар чоп этиб турдилар. Голланд матбуоти айниқса Президент Каримов билан Нидерландия қироличаси Беатрикс жаноби олияриннг учрашувига катта эътибор берди. Давлатимиз бошлиғининг голланд ҳукумати раҳбари Любберс жаноблари билан суҳбати ҳам жуда юксак даражада ва жуда самимий руҳда ўтди. Ҳар икки тарафнинг ҳам ўз минтақасида «дарвоза» экани, бири Шарққа ва яна бири Ғарбга қараб очиладиган икки дарвозанинг ўзаро яқинлашувидан наф жуда буюк экани қайта-қайта таъкидланди.

Мурод Муҳаммад ДЎСТ.
(ЎзА).

МЕҲНАТКАШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 15 ИЮНЬ КУНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА БЎЛДИ. ҚАРШИДА ШАҲАР ВА ТУМАН ҲОКИМЛАРИ, ВИЛОЯТ ИДОРА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ УТКАЗИЛДИ.

Ислом Каримов учрашувда сўзга чиқиб, Ўзбекистон ҳукумати амалга ошираётган иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг беш асосий тамойили, мулкни хусусийлаштириш, миллий мафкурани шакллантириш масалалари хусусида гапирди. Шунингдек, вилоятда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, савдода, маиший хизмат ва бошқа соҳаларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш масалаларига тўхталди.

Ўзбекистон Президенти республика Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Каримов ҳамроҳлигида Яккабоғ, Қамаши, Китоб, Ғузор, Чироқчи, Шаҳрисабз, Қарши туманларида бўлиб, ғалла ва пахта майдонларини кўздан кечирди, меҳнаткашлар билан учрашди. Самимий суҳбат чоғида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, алмашлаб экишни жорий этиш, илғор технологияни қўллаш, голландияликлар тажрибасидан фойдаланиб, чорвачилик маданиятини юксалтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни яхшилаш масалалари хусусида гап борди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзА).

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

• *Тошкент вилояти фаоллари йиғилишидан*

15 июнда Тошкентда вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқи ҳамда унинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини, бузманг» номли рисоласидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилишга бағишланди.

Бу ҳақда Тошкент вилояти ҳокими С. Д. САЙДАЛИЕВ маъруза қилди.

— Президент И. А. Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқи ҳамда унинг янги рисоласида ҳозирги мураккаб даврда танлаб олган буюк йўлимизнинг ўзига хос ижобий томонлари, бу йўлдаги қийинчиликлар, истиқболдаги вазифалар аниқ равшан кўрсатиб берилган, — деди маърузачи.— Вилоятимизнинг барча лавозимдаги раҳбарлари ва турли идора, ташкилотлар ҳамда оддий фуқаролари учун ана шу кўрсатмалар асосий йўлланма бўлиши лозим. Президентнинг сессиядаги маърузаси ва унинг янги рисоласидан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олган вилоятимиз меҳнаткашлари ҳамда ҳокимликнинг ижроия маҳкамалари ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш, изчил йўлга солиш, халқ хўжалиги тармоқларида вужудга келган қийинчиликларни енгиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тугатиш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан буён ўтган бир ярим йил — биз учун жуда катта аҳамиятга молик бўлди,— деб давом этди маърузачи.— Бу қисқа, лекин ниҳоятда масъулиятли давр мобайнида вилоятимизда ҳам ҳар бир соҳада ижтимоий-иқтисодий инқироздан чиқиб кетиш борасида талайгина эътиборга лойиқ ишлар қилинди, иқтисодий беқарорликнинг илдизига болта урилди, вазиятнинг кескинлашиб кетишига йўл қўйилмади. Вилоят саноатида 1993 йил 5 ойлик иш якуни бўйича биринчи марта маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайишини тўхтатишга эришилди. Май ойида апрелга нисбатан иқтисодий ўсиш 1,2 фоизни ташкил этди. Вилоят корхоналари 5 ойда 98294,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Лекин бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12493,8 миллион сўм камдир.

Вилоят ёқилғи-энергетика, металлургия, кимё ва машинасозлик тармоқларида январь-май ойларида бироз бўлса-да ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди. Масалан, Олмалиқ шаҳри корхоналари май ойида 3,7 фоиз, Ангрен шаҳрида 3,8 фоиз ўсишга эришдилар. Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1,0 фоиз ўсишни таъминлади. Ангрен разрези қўмир қазиб чиқаришни май ойида 7,7 фоизга кўпайтирди.

Лекин халқ хўжалиги тармоқларида ижобий натижалар қўлга киритилган бўлса-да, унинг бир қанча соҳаларида ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Вилоятдаги саноат корхоналарининг ҳар иккитасидан бирида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайиб бораётир. Ана шу оқсаётган корхоналар эвазига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоят бўйича маҳсулот 11,3 фоиз кам ишлаб чиқарилди.

Халқимизнинг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондириш муаммосини бир қадар бартараф этиш мақсадида жойларда кичик ва қўшма корхоналар, кооператив ширкатлар, тадбиркорлик уюшмалари ташкил қилинмоқда. Ҳозир вилоятимизда 1400 дан ортиқ ана шундай ширкатлар, кичик ва қўшма корхоналар, тадбиркорлик уюшмалари фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг 5 ойи давомида бу корхоналар 8 миллиард сўмликдан ошиқроқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарди. Бу вилоятда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг қарийб чорагини ташкил этади. Лекин афсуски, бундай ширкатларнинг фаолиятида ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Уларнинг аксарияти халқ учун моддий неъматлар яратиш ўрнига фақат тайёр маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳамда тижорат ишларига зўр бермоқдалар. Яқинда ширкатларнинг фаолияти кўриб чиқилди. Низомга хилоф равишда иш тутганликлари учун 300 га яқин кичик корхона, ширкат ва тадбиркорлик уюшмалари ёпиб қўйилди. Ҳозирги вақтда вилоятнинг маҳсус комиссиялари жойларда ижтимоий, иқтисодий вазиятни ҳар тарафлама чуқур ўрганмоқдалар. Текшириш натижалари эса ўша жойнинг фаоллари йиғилишида ошкора муҳокама қилинмоқда. Йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар рўй-рост очиб ташланмоқда. Таъкидлаш лозимки, эндиликда вилоятимизда текин даромад қилувчиларга йўл - қўймаслик чорасини кўряпмиз. Ижтимоий адолат учун бошланган қатъий кураш охиригача етказилади.

Маърузачи бошқа соҳаларда ҳам иқтисодий ислоҳотнинг бориши, бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари ҳақида тўхталди. Ўтган давр ичида вилоятда 496 та ташкилот давлат тасарруфидан чиқарилди. Давлат идораларига қарашли уй-жой фондларини хусусийлаштириш жараёни ҳам давом этмоқда. Ҳозиргача вилоят шаҳар ва районларида 72041 квартира давлат тасарруфидан чиқарилди. Булардан имтиёзлиги 30860 квартирадан иборат. Уй-жойларни хусусийлаштиришдан тушган маблағ 127,5 миллион сўмга тўғри келади.

Бироқ давлат тасарруфидан чиқариш ишларини ташкил этишда қатор камчилик ва сусткашликлар бор. Уй-жойларни хусусийлаштиришнинг бориши айниқса Бекобод, Паркент, Бўка, Қуйичирчиқ, Пискент, Зангиота, Янгийўл районларида суст олиб борилмоқда. Шу туфайли мазкур районлар аҳолисидан юқори идораларга кўплаб ариза ва шикоятлар тушмоқда.

Шундан сўнг маърузачи қишлоқ хўжалигидаги мавжуд аҳволни чуқур таҳлил қилиб берди.

Умуман, қишлоқ хўжалигида дуруст натижаларга эришилмоқда, бироқ ҳозирги вазият анча мураккаб. 1993 йил ҳам ўтган йилгидек деҳқонлар учун анча оғир келди. Ноқулай об-ҳаво шароити натижасида экин майдонларига катта зарар етказилди. Лекин фидокор деҳқонларимиз қийинчиликларга бардош бериб, мавжуд экин майдонларини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар.

— Ҳозир,— деди С. Д. Сайдалиев,— асосий вазифа мўлжалдаги ҳосилни олиш имконини берадиган барча восита ва имкониятлардан оқилона фойдаланишдан иборатдир. Кўчат етарли, ҳамма ғалла уларни тўлиқ сақлаб қолиш, парваришга зўр беришда қолди. Об-ҳаво туфайли юз берган кечикишни қоплаш зарур. Ғўзани вақтида суғориш, унга ишлов бериш ва ўғитлантириш кундалик назорат остида бўлмоғи лозим. Кузда уйиладиган хирмон тақдири шу кунларда ҳал қилинади. Ҳеч қандай баҳона ва важ-карсонга ўрин йўқ! Кўзланаётган мақсадга эришиш учун фидокорона меҳнат, ўта тадбиркорлик, қатъий ҳаракат ва сафарбарликни оширмоғимиз керак, заррача бепарволик ва масъулиятсизликка

(Давоми 2-бетда).

• *Касаба уюшмалари ҳаётидан*

ИШЧИЛАРГА ҚУЛАЙАИК

Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси нуфузли корхоналардан бири. Унинг қарийб тўрт минг киши ишлайдиган учта фабрикасида эркаклар ва аёллар костюми, шим тикиладн. Мавжуд 14 та цехда асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Уларнинг унумли ишлаши, бозордўконларда ортиқча вақт сарфламасликлари учун корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда бир қанча қулайликлар яратишди. Жумладан, корхона ҳудудида озиқ-овқат, сабзавот-мева дўконлари, дорихона, сартарошхона, пойабзал устахонаси ишлаб турибди. Соғломлаштириш пункти фаолият кўрсатмоқда. Ошхона, чойхона, новвойхона, сомсахона, қулинария цехидан иборат овқатланиш мажмуи чеварлар хизматида. Ишчиларга овқатланиши ва транспорт ҳаражати учун қўшимча пул бериб турилибди. Байрамларда мукофот олишмоқда.

Ишчилар меҳнат таътилига чиқаётган пайтда корхонада ишлаган муддатига қараб, ўртача ойлик иш ҳақининг 30—80 фоизи миқдорида қўшимча олишади. Пенсияга узатиш пайтида эса бир йўла 2—18 ойлик иш ҳақи миқдорида пул берилади. Бундан ташқари, бетобланиб қолганлар, кам даромадлилар ва тўй қилаётганларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳам одат тусига кирган.

Корхонада ишчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб икки кунлик, ўн кунлик йўлланмалар билан Тошкент вилоятининг хушманзара «Сўқоқ», «Кумушкон» дам олиш уйларида, Тошкент денгизи бўйидаги «Ёшлик» оромгоҳида ҳордиқ чиқарадилар. Республикамизнинг энг яхши санаторийларида саломатликларини тиклайдилар. Бунда йўлланманинг атиги ўн фоизинигина ишчилар тўлашади. Қолган қисми касаба уюшмалар ҳисобидан бўлади. Бирлашма ишчиларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, пулли клиникаларда даволанишда имтиёзлар яратиш мақсадида ҳар бир ишчига пул ўтказиб, ижтимоий суғурта жамғармасига аъзо қилиб қўйилди.

Корхона ишчилари уй-жой билан таъминланишда ҳам бир қанча имтиёзларга эга бўлишмоқда. Ўтган йили 36 квартирали уй қуриб берилди, ҳозир 35 квартирали яна битта тўққиз қаватли бино сотиб олинмоқда. Ер олиб, уй қурувчилар учун ҳам имтиёзлар яратилган. Жумладан, улар давлатдан олган ссудалари учун устамани касаба уюшмаси қоплайди. Имконият ва шароит яратилгач, иш ҳам унумли бўлмоқда. Бирлашма ишчи-хизматчилари яқинлашиб келаётган касб байрамларини кўтаринки руҳ ва муваффақиятлар билан кутиб олишмоқда.

— Ҳар йили енгил саноат ходимлари кунини оилавий нишонлаш анъанага айланиб қолди,— дейди бирлашма касаба уюшма қўмитасининг раиси Қумрихон Маҳмудова.— Бу гал ҳам байрамимизни пойтахтдаги «Меҳржон» маданият ва истироҳат боғида нишонладик. Шу куни боғдаги барча аттракцион ва бошқа ўйин турлари ихтиёримизда бўлди. Турли спорт мусобақалари уюштирилди. Ўйин-кулгу авжига чиқди. Болалар ҳам ота-оналари билан биргаликда байрам шодиёналарида қатнашдилар.

Б. МАНСУРОВ.

ЭРТАНГИ КУН ДАСТУРИ

Ўзбекистон металлургия заводи мутахассислари МДҲ илмий-тадқиқот институтлари, хорижий фирмалар иштирокида корхонани ҳар томонлама ривожлантириш дастурини ишлаб чиқдилар. Завод учун янги машина-ускуналар Германиядаги таниқли «Фукс систем техник ГМБХ» фирмасида самарадор технология асосида тайёрланади. Бу машина-ускуналар жорий этилгач, йилига электр ёрдамида пўлат эритиш миллион тоннадан ошиб кетади.

Лекин ҳомашё — металл парчалар мутлақо етишмаётган шароитда янги, серунум электр печлар самарадорлик билан ишлай олади-ми, деган савол туғилади. Чунки ўтган йили электр печларнинг ҳомашё билан таъминланиши ўртача 70 фоиз бўлди. Заводдаги «иккиламчи қора металл» хўжалиги ҳисобидаги бошқармаси, шунингдек бир йил муқаддам заводга ўз молиявий ресурсларини ва ишланмаларини таклиф этган «қора металл» акциядор фирмаси шу муаммони ҳал этиш устида ҳозир жиддий иш олиб бормоқда.

(ЎзА мухбири).

Миннатдормиз

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Гонорарлар ва фахрий унвонлар учун қўшимча ҳақ миқдорини ошириш тўғрисида»ги қарорини жамоамиз мамнуният билан кутиб олди. Нега десангиз, театримизда ижод қилиб, халқ орасида донг таратган устоз санъаткорлар ҳам, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган артистлар ҳам меҳнатлари ҳозирдагидек тақдирланиб, унвонлари учун қўшимча ҳақ олганларини эслолмайдилар. Асрий қадриятлар тикланаётган пайтда истеъдодли кишилар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани кўнгилдаги иш бўляпти.

Бу ҳам мустақиллигимиз шарофатидир.

Биз, санъаткорлар, республика Президенти ва ҳукумати кўрсатаётган бундай ғамхўрликка жавобан халқимизни янги-янги саҳна асарлари билан хушнуд этишга ҳаракат қиламиз.

Ёқуб АҲМЕДОВ,
Халқ артисти, Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг директори.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚАДРИ

Ҳалол меҳнат қилиб, ҳурмат топадиган замон келди. Хизмат кўрсатган чорвадор фахрий унвони учун республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланиши ҳақидаги қарор менигина эмас, барча ҳамкасбларимни ҳам руҳлантириб юборди. Аҳолини сут, гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан кўпроқ таъминлашни асосий вазифамиз деб биламиз.

Ҳозир сут-товар фермамизда 270 бош соғин сигир парваришланмоқда. Йил бошидан молларни аниқ рацион асосида боқишга ўтдик. Натижада ҳар бир соғин сигирдан 10 литрдан сут соғиб оляпмиз. Ғамхўрликка жавобан янада фидокорона меҳнат қиламиз.

С. ЮСУФХЎЖАЕВ,
Тошкент туманидаги Ғ. Абдуллаев номли жамоа хўжалиги ферма мудири, Республикада хизмат кўрсатган чорвадор.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

(Боши 1-бетда).

мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Ўтган йили бир неча районлар, хўжаликларнинг раҳбарлари нақд имкониятларини бой бериб қўйганликлари, бундан жиддий хулосалар чиқаришлари лозим. Лекин шу билан бирга кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари бу йил ҳам дала ишларига эътиборни кучайтирмаётганликларини эътироф этиш лозим. Улар хўжаликларни уруғлик ва моддий-техника билан етарли миқдорда таъминлаш чора-тадбирларини ўз вақтида кўришмади. Шу сабабли Оҳангарон, Паркент, Пискент районларида маккажўхори экиш режаси, Оққўрғон, Оҳангарон, Бекобод, Бўка ва бошқа районларда шоли ҳамда озуқабоп экинлар экиш режаси бажарилмай қолди.

— Чорвачилик ҳақида шуни айтиш зарурки, — деди С. Д. Сайдалиев, —бу соҳага муносабат ҳамон ўзгармаяпти. Яна ўша эски «касал» — озуқабоп экинларга эътиборнинг сусайиб кетганлигига бориб тақалади. Жорий йилнинг 5 ойи мобайнида вилоятдаги 13 та районда қорамоллар бош сони камайиб кетди.

Ваҳоланки, вилоятимиз ва Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи ўсиб бормоқда. Хўжалик раҳбарлари, мутахассисларнинг шундай тиғиз бир вазиятда чорвачиликдаги сусткашликларини ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди. Турли баҳоналар билан молларни сўйиб юбориш ҳолларига чек қўймоқ лозим. Агар астойдил жон куйдириб, ишнинг кўзини билиб ёндошилса, гўштни ҳам, сутни ҳам кўпайтириш имконв бор.

Бозор иқтисодиёти шароитида бюджетни тўлдиришда асосий манба солиқ эканлиги сир эмас. Вилоят бўйича 6865 юридик ва ташкилот ҳамда муассасалар солиқ тўловчилар рўйхатига киритилган. Бироқ ҳанузгача солиқ тўлашдан яшириниш ҳолатлари давом этмоқда.

Капитал қурилиш, транспорт, алоқа, йўл ва уй-жой — коммунал хўжалиги мажмуидаги аҳвол ҳам талабга жавоб бермайди. Айрим сабабларга кўра капитал қурилиш ҳажми камайиб бормоқда. Асосий фондлардан унумли фойдаланилмаяпти. Чала-ярим қолган қурилиш иншоотларининг сони ҳам камаймаяпти. Айниқса, фарзандларимиз тарбияланаётган мактабларнинг кўпчилиги авария ҳолатида эканлиги кишида жиддий ташвиш уйғотади. 27 та мактабда эса қурилиш ишлари бошланган бўлишига қарамай, маблағ етишмаётганлиги рўкач қилиниб, иш ярмида тўхтатиб қўйилган.

Маърузачи Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган фармонларини бажариш, қонунчилик ва тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришда ҳам амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, бу борада йўл қўйилаётган суиистеъмолликлар ва қонунбузарликларни кўрсатиб ўтди. Яқинда вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан текширилганда шу нарса маълум бўлдики, Паркент районидаги маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг мудираси ва омбор мудираси нопок йўллар билан аҳолига тегишли бўлган матолар ҳамда қимматбаҳо буюмларни ўзлаштириб олишган.

Савдо, умумий овқатланиш ва бошқа бир қатор соҳаларда адолатсизликка йўл қўйилаётганлиги халқнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Аҳолига меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш борасида жиддий камчиликлар мавжуд. Турли суиистеъмолликлар ва қонунбузарлик ҳоллари давом этаётганлигига қарамай ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамон қатъиятсизлик қилмоқдалар. Улар халқимизни турли муттаҳам, юлғич, қаллоб, фирибгарлардан муҳофаза қилишга доимо қалқон бўлиб туролмаяптилар.

Мустақиллик ҳақида, уни мустаҳкамлаб олға бориш ҳақида гапирганда, албатта, ҳар бир меҳнаткашнинг, айниқса, ёш йигит-қизларни ўз ватани, ҳавас қиларли ўтмиши, порлоқ келажаги билан фахрланиш руҳида тарбиялаш ғоят муҳимдир. Ҳозирги вақтда ёшлар ўртасида ватанпарварлик ғояларини ўстирувчи тарбиявий ишларни кучайтиришдан кўра муҳимроқ вазифамиз йўқ. Ҳокимликда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилган. Бироқ жойлардаги тарбиявий ишларни қониқарли деб бўлмайди. Жумладан, Бўка, Ўртачирчиқ районларида бу борада жиддий камчиликлар мавжуд.

Аҳолини, айниқса, халқ зич яшайдиган жойларда ёшларни иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирлар қониқарли эмас. Қишлоқ жойларда маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ва ҳунармандчилик устахоналарини барпо этишга жиддий эътибор берилмаяпти.

Республикамиз Президентининг ташаббуси билан наслимизнинг келажаги, соғлом авлод учун кураш бошланди. Шу ном билан махсус орден таъсис этилди. Инсон жисмонан соғ бўлса, маънавий баркамол бўлса унинг ишида ривож бўлади.

Соғлом авлод учун кураш бошланган бир пайтда вилоятимиз тиббиёт муассасаларининг ишини қониқарли деб бўлмайди. Даволаш муассасаларида ишлар яхши йўлга қўйилмаган. Ҳамон дори-дармонларни яшириб сотиш, ошна-оғайнигарчилик илатларига йўл қўйилмоқда.

Айни пайтда вилоятимизда ўн мингдан ортиқ кам қонли аёллар истиқомат қилаётганлиги ташвишли ҳолдир. Улар Президентимиз фармонига биноан текин озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишлари керак. Лекин баъзи ноинсоф савдо ходимлари уларнинг ҳам ризқини қийишдан қўрқмаяптилар. Ҳатто шундай ҳолатлар юз бермоқдаки, дўконларда улар учун ажратилган оқсилли маҳсулотлар ўрнига саноат моллари, идиш-товоқ, кийимкечак, сигарета бериш ҳоллари мавжуд. Янги йўл, Бўка, Зангиота, Бўстонлиқ районларида, Янгийўл шаҳрида шундай нохуш воқеалар содир этилган.

Соғлом авлодни камол топтиришда физкультура ва спортнинг роли беқиёс эканлиги ҳаммамизга маълум. Бунинг учун вилоятимизда катта имконият бор. Ҳозирги шароитда спорт иншоотларининг мунтазам равишда халқ хизматида бўлишини таъминлашимиз лозим. Район, шаҳар ҳокимликлари бу соҳага жиддий эътибор беришлари талаб қиладиган ижтимоий-иқтисодий вазият вужудга келиб қолиши мумкин. Ана ўшанда пулнинг қадрсизланиши жуда узоқ вақт давом этади. Асосий озиқ-овқат ва саноат моллари нархи ошади, уларга талаб кучаяди. Шунга мувофиқ равишда давлат бюджетидаги камомадни тугатиш хусусида қўшимча қийинчиликлар вужудга келади. Бу қийинчиликларни яна пул чиқариш ёрдамида тугатиш лозим бўлади. Дастлабки ҳисоб-китоблар шу йилнинг охирига бориб муомаладаги пул миқдори юз баравар кўпайишини кўрсатмоқда.

Ҳар қандай мустақил давлатнинг миллий валютага ўтиши, агар бу валюта бемалол алмаштириладиган бўлмаса, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни издан чиқаради, ишлаб чиқаришда, айниқса, четдан келтириладиган хом ашё, материаллар, бутлаш буюмлари салмоғи залворлироқ бўлган тармоқларда таназзулни келтириб чиқаради...

— Ана шу жараёнларнинг олдини олишга қодир бўлган самарали чоралар борми?

— Аҳоли қўлидан жуда кўп миқдордаги нақд пулни қайтариб олиш энг қийин муаммо бўлиб қолаверади, бу муаммони ҳал этиш учун республикада кўп иш қилиняпти: уй-жойлар, саноат, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари кенг миқёсда хусусийлаштирилмоқда, заём облигациялари, бошқа қимматли қоғозлар чиқарилмоқда, хилма-хил лотереялар ўтказилмоқда.

Миллий валютани жорий этиш ёки пул ислоҳотини ўтказиш (шундай бўлиши ҳам мумкин) аҳолининг иқтисодий жиҳатдан тўғри иш юритишига кўмаклашмоғи лозим. Бу — жуда муҳим масала.

— Миллий валюта ва нарх-наво қандай бўлади?

— Миллий валютага ўтиш даври пулнинг ошкора ва яширин қадрсизланиши шароитида юз бермоқда, бу даврда корхоналарнинг раҳбарлари, ишбилармонлар, аҳолининг кўпчилиги нарх-навоннинг яна оширилишини кутмоқда. Шу сабабли ҳамма ўзини маҳсулотга урадиган шароитда бугуноқ молларни ғамлаб қўйиш яхшироқ, чунки эртага у икки баравар қимматлашади. Бугунги минг сўм эртага бир сўмга айланиши ҳам мумкин, деган фикр пайдо бўлади. Хуллас, миллий валюта пулнинг қадрсизланишини кутишни келтириб чиқармаслиги лозим, аҳоли эса дарҳол бор пулига мол сотиб олишга уринмаслиги керак. Давлатнинг бутун молнявий сиёсати ана шунга қаратилиши лозим. Хўш, бунга қандай эришиш мумкин.

Урушдан кейинги Германиянинг тажрибасидан фойдаланиш мумкин, ўшанда ҳукумат айрим маҳсулотларнинг адолатли нархларини эълон қилар эди.. Кўпгина корхоналар эса муайян вақтгача, нархни оширмаслик мажбуриятини оларди. Бошқа мамлакатларда ҳукумат билан ишбилармонлар нарх-наво соҳасида келишилган сиёсат ўтказиш ҳақида битим тузишарди. Бу ҳам пулнинг қадрсизланишини жиловлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

— Миллий валютани жорий этиш Ўзбекистон аҳолисини қийин аҳволга солиб қўймаслиги учун нима қилиш керак?

— Пул тўхтовсиз айланиб тургандагина, ўз вазифасини бажаради. Бу — оддий ҳақиқат. Шу сабабли ҳар бир оила, ҳар бир харидор истеъмол бозорининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, ўз пулини оқилона сарфлаши, рубль зонасидаги давлатлардан кўпроқ моллар харид қилиши лозим. Шу йўл билан республика аҳолиси бозорни барқарорлаштиришда, рублнинг мустаҳкамлигини оширишда фаол иштирок этади.

Чамаси, пул ислоҳоти биринчи навбатда истеъмол талаби билан таклифни бир мувозанатга солиш мақсадини кўзлайди. Шу сабабли жамғарма банкларига қўйилган пулларгина алмаштирилади. Гилам остида сақланаётган пуллар эса кераксиз қоғозга айланади. Шуни ҳисобга олиб, ўзбекистонликларга пулингизни жамғарма банкларида сақланг! — деб тавсия қиламиз.

Вужудга келаётган вазият эътиборга олиниб, пул алмаштирилиши мумкин. Бунда оилалар таркиби ҳам инобатга олинади. Яъни алмаштириладиган пул миқдорини белгилаб қўйиш қоидаси жорий этилади. Ҳозирча эса Ўзбекистон рубль зонасида турибди!

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўртачирчиқ районидаги «Ўртасарой» жамоа хўжалиги раиси **М. Ҳолиқов**нинг содда, самимий, деҳқонча сўзлари, ўртага ташлаган фикр-мулоҳазалари, рўй-рост билдирган дўстона, танқидий гаплари йиғилиш қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Ҳаммага жуда маъқул бўлди. У жумладан қишлоқ хўжалиги тармоқларига малакали ва амалий ёрдам кўрсатиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Қишлоқ қурилишларига етарли эътибор берилмаётганлиги, қурилиш ташкилотларининг мутасаддилари бу масалага бепарволик билан қараётганликларини танқид қилди. Шунингдек, қатор вилоят ташкилотлари раҳбарлари шаънига жиддий эътирозлар билдирди.

Шунингдек, музокараларда сўзлаган Бўстонлиқ район марказий касалхонаси бош шифокори **Д. Ўрмонова** районда соғлом авлодни вояга етказиш йўлида бошланган хайрли иш ҳақида фикр-мулоҳаза юритиб, бу соҳада юз бераётган муаммоларга тўхталиб ўтди. Жумладан, у касалхонада беморларни овқатлантириш учун таъминотни яхшилаш, шунингдек зарур дори-дармонлардаги узилишларга жиддий эътиборни қаратиш лозимлигини айтиб ўтди.

«Вилоятсавдо» концерни раиси **Ғ. Турсунов** вилоят шаҳарлари меҳнаткашларига савдо хизматини яхшилаш, уларнинг зарур саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, савдо тармоқлари пештахталарини маҳсулотлар билан тўлдириш билан боғлиқ бўлган масалалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирди.

ХУЛОСА сифатида шуни айтиш мумкинки, фаоллар йиғилиши иштирокчилари Тошкент вилоятида ижтимоий-иқтисодий вазият бундан буён ҳам барқарор сақланади, иқтисодиёт яхшиланади, халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун барча чора-тадбирлар кўрилади, вилоят меҳнаткашлари шу тариқа республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб Президентимиз И. А. Каримовни, республика ҳукуматини ишонтирдилар.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси раиси Қ. А. АҲМЕДОВ қатнашди ва нутқ сўзлади. Шунингдек, йиғилишда Президентлик девонининг масъул ходими М. ҚАЮМОВ иштирок этди.

● *«Маҳалла» жамғармаси:*

МУҲТОЖЛИКДА ҚОЛДИРМАЙДИ

Шу йилнинг бошларида вилоят ҳокимлиги биносида фаоллар йиғилиши борарди. Мажлис бошқарувчиси сўз навбатини Қибрай райони «Маҳалла» жамғармасининг раиси Мирзатой Йўлдошевга берди. Минбар ёнига ўрта бўйли, очиқ чеҳрали, миқти гавдаси ўзига ярашган эллик беш ёшлар чамасидаги киши яқинлашар экан, залга кўз ташлаб олгач, нхчамгина ён дафтарчасини очиб сўз бошлади. Ҳозиргина ғала-ғовурдан ҳоли бўлмаган улкан хона сув қуйгандек тинчиб қолди.

— Ҳамманинг дилидаги гапни айтяпти,— деди ёнимдаги отахон аста шивирлаб,— дарҳақиқат, ўсмирлар тарбиясига пенсионер кексаларни жалб қилиш керак. Ахир улардан қанчалари бўш вақтларини қандай ўтказишни билмай зерикиб ўтиришибди.

— Қишлоқларда, маҳалла қўмиталари раислари, котибларига маош тўлаш масаласини ҳам тўғри кўтарди,— дея унинг ёнгинасида ўтирган аёл суҳбатга қўшилди,— маош белгиланса фаоллар астойдил ишлайдилар.

М. Йўлдошев ўз сўзида район ҳокимлиги раҳбарлигида маҳаллаларда олиб борилаётган ободонлаштириш ишларн, муҳтожларни ижтимоий ҳимоялаш, жиноятчиликка қарши кураш, ота-оналарнинг мактаб билан ҳамкорлиги масалалари борасида ҳам батафсил тўхталди.

Йиғилишдан кейин жамғарма раисининг қўлидаги ҳужжатлар билан батафсил танишдим. Райондаги 101 та маҳалла, 3 та турар-жойдан фойдаланиш идораларига даҳлдор маълумотлар тўла акс этган эди.

Ҳужжатлардан биридаги қоғозда район маҳаллаларида неча нафар юз ёшли, тўқсон, саксон ёшли кексалар истиқомат қилишаётгани тўғрисидаги рақамлар ҳам қайд қилинганди.

— Қариялари кўп районда файз, барака бўлади, шунинг учун ҳам ишингизда ривож бор экан,— дедим Мирзатой Йўлдошевга.

У кулимсираб қўяқолди. Чиндан ҳам район маҳалла жамғармаси қисқа вақт фаолият кўрсатишига қарамай, бир қатор тадбирларни рўёбга чиқарган эди. Шулар орасида муҳтожларни ижтимоий ҳимоялаш алоҳида ўрин тутади. Хусусан, жамғарма ўтган йили 306 оилага 216 минг сўмлик ёрдам кўрсатди. Баҳор айёми — Наврўзда 600 кишига қишлоқ ва қўрғон кенгашлари раислари 800 сўмликдан совға тарқатиб чиқдилар. 900 кишн эса 800 сўмдан пул билан таъмнланди.

Бундан ташқари, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари кенгаши, 77-махсус мактаб-интернат, республика болалар ортопедияси шифохонаси, 4-болалар шифохонаси, ногиронлар жамияти ва бошқа қатор муассасалар ҳам ана шундай хайрли ёрдамдан баҳраманд бўлдилар.

Райондаги Байтқўрғон, Май, Қибрай, Чинобод қишлоқ кенгашлари аҳолиси маҳаллаларни ижтимоий, маданий ривожлантиришда жонбозлик кўрсатаётган жамғарма раиси М. Йўлдошевга, район ҳокимлигига бир неча бор миннатдорчилик изҳор этдилар.

— Президентимиз Ислом Каримов «Маҳалла» жамғармасини жуда ўз вақтида билиб ташкил этган экан,— дейди фуқаро Н. В. Ветченнна,— муҳтожлик туфайли жамғармага мурожаат қилишга тўғри келди. Олдинига тортиндим, кейин мен каби зориққанлар, илтимослари қондирилганлар кўп эканлигига ишонч ҳосил қилгач, ёрдам сўраб ариза бердим. Барака топишсин, мушкул кунимга ярайдиган даражада кўмаклашишди.

Бундай илиқ сўзларни яна ўнлаб кишилардан эшитдик. 1992 йилнинг декабрь ойидан ҳозирги кунгача аҳолига «Маҳалла» жамғармаси 3 миллион сўмликка яқин мурувват кўрсатди.

— Маҳаллаларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ишларини аниқ режа асосида давом эттиряпмиз,— дейди М. Йўлдошев, биз билан суҳбатда,— зероки, ҳар бир маҳалла ўзига хос катта оила. Ана шу катта оила саранжом-саришта, қут-баракали бўлиши фаровонлик сари интилиши йўлида кўплаб таянчларимиз бор. Улар Қибрай қўрғон кенгаши, район халқ таълими бўлими, ўнлаб хўжаликлар ва корхоналардир. Шундайлар бор экан, жамғармамиз эл-юртга сидқидилдан хизмат қилаверади.

С. ҲАСАНОВ.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАГА ЎТИЛИШИ АНИҚМИ?

Собиқ Иттифоқнинг ҳар бир республикаси мустақилликка эришгач, ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Уларнинг кўпчилиги мустақил давлатлар ҳамдўстлигига бирлашган бўлса, бошқалари, масалан Болтиқбўйи мамлакатлари, Грузия ўз чегаралари доирасида ўралашиб қолмоқдалар. Уларнинг баъзилари миллий валютага ўтишни давлатчиликнинг асосий белгиси, деб ҳисоблаб, дарҳол ўз пулини чиқарган бўлса, бошқалари рублнинг кучига ишониб, ҳозирча кутиб туришибди. Бироқ рубль макони тобора торайиб бормоқда. Украина, Қирғизистон бу макондан чиқди, Туркманистон ўз пулини жорий этишга тараддуд кўрмоқда.

Хўш, Ўзбекистоннинг нуқтаи назари қандай, у миллий валютага ўтишга тайёрми? Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг мухбири Л. Левин билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ шу ҳақда суҳбатлашдилар.

— Файзулла ака, сиз рублнинг ҳозирги ҳолати ҳусусида қандай фикрдасиз?

— Собиқ Иттифоқ ҳудудида тобора камроқ минтақалар рубль зонасида қолмоқда. Бу — яхшилик нишонаси эмаслиги равшан. Кўпгина республикалар ўз имкониятларини чамалаб кўргач, таваккал қилиб, миллий валюта жорий этдилар. Улар учун бу иш пулнинг қадрсизланиш жараёнларидан қутулиш умидида ноилождикдан қўйилган қадам бўлди. Дарвоқе, рублнинг ҳозирги ҳолати қандай, у тез узлуксиз қадрсизланиб боряптику, ахир! Назаримда, бу соҳада ғалати вазият вужудга келди. Турли республикаларда рублнинг «салмоғи ҳар хил». Чунончи ҳозир ўзбек рубли Россиянинг рублидан «залворлироқ», унинг харид қуввати анча юқори.

Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Бу нарса рубль зонасига кирувчи давлатларнинг иқтисодий ҳолатига боғлиқ. Ўзбекистондаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорлик қуруқ сўз эмас. Шу боисдан ҳам ҳозир республикамиз пулнинг қадрсизланиш жараёнларидан бошқаларга нисбатан пухтароқ ҳимояланган.

— Бироқ, модомики, ўзбек рубли бошқалардан кўра «залворлироқ» бўлса, ўз миллий валютамиз ҳақида гапиришнинг ҳожати борми-кан?

— Ҳозирги вазиятда бизда ўз пулимизни жорий қилиш, ундан ички ва халқаро савдо-сотиқда фойдаланиш учун объектив ва субъектив шарт-шароитлар йўқ. Шундай иқтисодий қонунлар борки, уларни бузишга йўл қўйиб бўлмайди. Миллий валютага ўтиш республикамиз МДҲ мамлакатлари билан тўлов баланси ҳолатини анча ёмонлаштиради. Ўзбекистон корхоналарининг бошқа мамлакатлардаги мижозлар билан ҳисоб-китобларини қийинлаштиради. Миллий валютанинг тўлатўкис бемалол айирбошланиши таъминлангунга қадар бизга келтириладиган хомашё, тайёр маҳсулотлар учун ҳисоб-китобларни бемалол айирбошланадиган валютада амалга ошириш керак бўлади. Бу эса иқтисодиётнинг ички тузилишини танг аҳволга солиб қўйиши, четдан келтириладиган хом ашё ва материаллар асосида ишловчи юзлаб корхоналарни абгор қилиши муқаррар. Бунинг оқибатида ишлаб чиқариш пасайиб кетади, ишсизлик кучаяди.

Миллий валюта пулнинг қадрсизланиш жараёнларидан ҳимояланган барқарор, чинакам бозор иқтисодиёти шароитидагина қадрли бўлади. Ҳозирги вазиятда бизда мана шундай шароитлар ҳали яратилган эмас, бозорнинг кўмакчи соҳалари, зарур мутахассислар ҳам йўқ... Бунинг устига хорижий давлатларнинг ёрдамига, кўп миллиардли кредитларга ҳам умид боғлай олмаймиз. Ҳозир Ўзбекистон мол, молия, кредит ресурсларининг аниқ бозорлари йўқлиги сабабли миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш имконига эга эмас. Корхоналаримизнинг техникавий жиҳозланиши ҳам мукаммал эмас, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ҳали ҳам паст. Ички нархлар ҳам жаҳон нархларидан анча орқада қолмоқда, валюта резервлари эса унчалик кўп эмас. Хуллас, мана шу шарт-шароитлар яратилмагунча, миллий валюта республикадаги пул муомаласи тизимини тез издан чиқаради, халқ хўжалигида салбий оқибатларга олиб боради.

— Шунга қарамай, республика ўз пулини жорий этишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда, бу— сир эмас.

— Бу ишда шошма-шошарлиққа ва пала-партишликка йўл қўйиб бўлмайди. Тўғри, биз миллий валютани босқичма-босқич жорий этиш учун сиёсий ва иқтисодий соҳаларда муайян чораларни кўряпмиз. Бу чоралар мажмуи МДҲ давлатлари билан узоқ муддатли хўжалик алоқаларидан республиканинг манфаатдорлигига, бюджет камомадини иложи борича камайтириш ҳаракатларига асосланган. Шу билан бир вақтда ҳамдўстлик банклари ягона зиҳира тизимини барпо этиш асосида рубль зонасидаги барча мамлакатларнинг Россия Марказий банки фаолиятига таъсирн кучаймоқда. Бу — жуда муҳим. Чунки, бундай, ёндашув пировард натижада бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодиётни қайта қуриш, уни аста-секин жаҳон хўжалигига қўшиш учун шарт-шароит яратишга кўмаклашади.

— Сизнингча, миллий валютани жорий этиш чоғидаги асосий салбий жиҳатлар нималардан иборат?

— Шу соҳада яна бир муҳим жиҳатни эътиборга олиш лозим. Рубль зонадан чиқишни талаб қиладиган ижтимоий-иқтисодий вазият вужудга келиб қолиши мумкин. Ана ўшанда пулнинг

● *Пиру бадавлат оилалар*

КЕКСАЛАР БАХТИ

Тошкент районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги, хўжалик касаба уюшмаси ва маҳалла вакиллари Маҳаматжон ота ва Ҳамрохон ая хонадонига ташриф буюрдилар. Улар узоқ йиллар биргаликда аҳил-иноқ яшаётган, эл корига ярайдиган фарзандлар тарбиялаб, вояга етказган отахон ва онахонга эсдалик дастхатлари битилган совғаларни топширдилар, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тиладилар.

Кечагина ёшлик ғайрати билан биргаликда меҳнат қилиб юрган келин-қуёвларнинг бири бугун отахон, бири онахон. Ҳамрохон аянинг тим қора сочлари пахтадек оқарган, Маҳаматжон ака-мўйсафид. Баъзан чол-кампир ўтган умрларини эслаб, амалга оширган ишларини сарҳисоб қилишади. Уларнинг ҳаётида эслашга арзигулик ишлар кўп бўлган.

Маҳаматжон ва Ҳамрохонлар бир ёстиққа бош қўйган йиллар Фарҳод, Киров каналлари қазилаётган эди. Маҳаматжон ака канал қурилишларида қатнашди. Кейинчалик саккиз йил Тошкент районидаги Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигида бригада бошлиғи, боғбон бўлди.

Маҳаматжон ака ва Ҳамрохон ая етимхонадан уч болани олиб, ўз фарзандлари билан биргаликда оқ ювиб, оқ тараб тарбияладилар. Ҳозир Дуся, Санда, Тошўлатлар бола-чақали бўлиб кетишган. Улар ўзларига бутун меҳр-муҳаббатларини бағишлаган қалби дарё кишиларни бир умр унутмайдилар, тўй-маъракаларда бирга бўладилар.

Тошкент районидаги Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги, Олмазор кўчаси, 25-хонадонда ҳамиша болаларнинг шўх кулгулари эшитилиб туради. Булар Маҳаматжон ота билан Ҳамрохон аянинг ширинданшакар неваралари. Улар неваралари, фарзандлари қуршовида пиру бадавлат ҳаёт кечирмоқдалар.

Ҳар кимга ҳам ана шундай бахтли умр насиб қилсин!

Абдулла ТОЛИПОВ.

• *Ижарачи деҳқонлар ишлари*

КАРТОШКАЗОРДА

БИЗ далага борганимизда кун пешинга яқинлашган эди. Каттагина картошказорнинг чеккасидаги омонат шийпонча ёнидаги муваққат ўчоқда қора қумғон қайнамоқда. Шийпон пештоқидаги узун хоричага турли халтачалар осиғлиқ. Шолча устидаги тўшалган кўрпачалар ўртасида усти ёпиғлиқ дастурхоннинг бир чети қайрилган, пиёлаларда совуқ чойлар бор. Фахмимизча, ишчилар ҳали замон енгил чойланиб олган кўринади. Даланинг пастида трактор билан картошка ораларига ишлов берилмоқда, нариги томонда бир йигит қўлида кетмон, кеча трактор билан чопилган ерларга сув тараётганга ўхшайди

— Ҳормангларов,— овоз берди ҳамроҳим.

— Бор бўлинглар, ҳозир...— деган овоз келди пайкалдан. Аста-секин картошказор оралаб юрдик. Экинларга разм солдик. Битта-иккитаси гуллаш учун ғунчалар туга бошлабди. Истиқболимизга бригадир Аҳмадали Ҳасанов чиқди.

— Жала ҳамманинг ишини кўпайтириб юборди,— дея гап бошлади Аҳмаджон ака биз билан салом-аликдан сўнг.— Кечагина культивация қилган эдик. Жалани қаранг, яна қотириб юборди ерни, энди қайтадан чопилмаса бўлмайди, айни пайтда дорилаб ҳам бораяпмиз, ҳарна-да, ахир ҳар гектар ердан ўн бир—ўн икки тоннадан ҳосил олишга келишиб олган эдик. Энди қаттиқроқ боғламасак бўлмайди белни...

Йигитларнинг ёнига бордик. Ҳаммасининг қўлида шиша идишлар. Бола-чақалари билан картошкалар учнга, барглари орасига жойлашиб олган қўнғизларни теришмоқда.

— Колорадо қўнғизи ҳам бор бўлсин,— дея ҳазиллашди бизга қараб Эрназар деган йигит,— биз тераверамиз, у тухумларини сарғайтириб, барглар орасига тўкиб кетаверади, худди бекинмачоқ ўйнагандай. Дарвоқе, бир неча йиллардан бери деҳқонларни шу қўнғиздан бошқа ташвиши бўлмай қолди. Олимларимиз нима қилаётган экан-а!

— Уларни ўтган йилги гапини эшитгансиз-у,— деди Сарсонбой деган бошқа бир деҳқон йигит.— Ўтган йили, денг, картошкачилик институтидан бир неча ёш олимлар келишувди: нима дейишди денг, энг аввал бир олача келадиган жойга озгина картошка экиб, устини елимқоғоз билан беркитиб, тезроқ ундирсак, ҳамма қўнғизлар аввал ўша ерга чиқармиш, сўнгра уларни ҳаммасини териб олсак, бошқа қўнғиз чиқмасмиш, шу гапни эшитиб, ҳамма деҳқонлар кулиб юборди, денг. Ахир бу қўнғиз жонивор бир учишда эллик чақирим учса, бир урчишда минглаб уруғ қўйса, олачадай жойга қанча қўнғиз келиши мумкину, қайси деҳқон қўнғизнинг чиқишини пойлаб ётади?! Раисимиз билан ҳосилотимиз бошқа таклиф қилишди. Ҳозир айни қўнғизларнинг уруғ қўядиган пайти. Биз барглар орасига қўйилган ўша уруғларни барглари билан юлиб олаяпмиз. Бу анча осон ҳамда самарали. Дарҳақиқат, бригада ишчилари икки йилдан бери колорадо қўнғизидан уларнинг уруғини териб олиш билан қутулишмоқда. Бригадада эса оз эмас, 30 гектардан кўпроқ картошказор бор!

— Азаматларимиз барча қийинчиликларни енгаяпти,— дейди бригадир Аҳмадали Ҳасанов.— Бу йил эртаги картошканинг ўзидан 330 тоннадан кўпроқ ҳосил етиштиришимиз керак! Бунинг учун ҳозирдан имконият яратилмоқда. Картошкаларга икки марта ишлов бердик, икки марта озиқлантирилди. Ерни эса қишда гўнгга тўйдирганмиз. Барибир ҳар йили картошка экилаверганидан кейин ер орқлаб кетаркан-да! Лекин биз ҳам бўш келмаймиз. Кейинги ойнинг ўрталарида ҳосилни тўплашга киришамиз, деган ниятимиз бор.

Бригадирнинг жадал суръатлар билан ишни ташкил этиши далачиларнинг ғайратига-ғайрат қўшиб юборган. Улар нафақат картошкачиликда, балки, бошқа экинлар парваришида ҳам «Шодималик» ширкат жамоасида биринчилар қаторида боришмоқда. Ўн гектар ердаги пиёз ўтоқдан чиқарилиб, бир марта озиқлантирилди. Уч гектар ердаги уруғликка мўлжалланган пиёзлар эса . гуллаб ётибди. Айни пайтда бригада ишчилари 5 гектар ерга қовоқ экишган, унинг ҳар гектаридан 20 тоннага етказиб ҳосил кўтаришни ният қилишмоқда. Анчагина ерда помидор бор. Уларнинг ҳам ривожи баланд. 7 гектардаги беда эса ўримга келган. Бригада механизаторлари аллақачон беданинг биринчи ўримини бошлаб юбордилар...

Бригададаги дала ишларининг меъёрида боришида ушбу жамоанинг ишчилари, звено бошлиғи Ҳидирбой Исмоилов, Бекмуҳаммад Аширов, Аҳмаджон Мелибоев, Эрназар Қорабошев, Маҳмуд Шеров ва Сарсонбой Шеровлар астойдил меҳнат қилишаётир. Кўкламги экинларга ишлов беришда шодималикликлар Оҳангарондаги барча хўжаликлар ичида дастлабки ўринларда боришмоқда. Жамоада нафақат далачиликда, балки, ўсимликчиликнинг бошқа соҳаларида ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жамоа эса бу йил эл дастурхонига 400 тонна картошка, 100 тоннадан кўпроқ қанд лавлаги, 120 тоннага яқин мева, шунингдек, анчагина гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар беришга аҳд қилган.

— Хўжалигимиздаги ишчиларнинг ҳаммаси ширкат қоидаларига тушуниб олдилар, улар жамоа ишини ўз шахсий ишлари сифатида адо этишаётир. Бу эса келажагимизнинг янада яхши бўлишини кўрсатади,— дейди жамоа раиси С. Қозибоев.

М. ҚАЮМОВ.

ҚУРИЛИШ материаллари тақчил бўлган шу кунларда Оҳангарон қурилиш материаллари комбинати ўз мижозлари талаби даражасида ишлашга ҳаракат қилмоқда. СУРАТДА: (чапдан) машинист ёрдамчиси Шуҳрат Йўлдошев, иссиққа чидамли махсус темир-бетон заводи раҳбари Рашид Султонов ва моторист Эркин Раззоқов тош майдалаш участкасида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МИЛЛИЙ СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

«Меҳнат бозори ва Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш» мавзусига бағишланган тўрт кунлик семинар Тошкентда ўз ишини якунлади. Семинарда Жаҳон банки, Германия техникавий ҳамкорлик жамияти, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, Марказий Осиё давлатларидаги таниқли экспертлар ва мутахассислар қатнашдилар. Семинар давомида мутахассисларнинг Туркия, Жанубий Корея, Германия, Япония каби мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат бозори муаммоларига доир маърузалари тингланди. Семинар қатнашчилари «Меҳнат бозори ва ишга жойлаштириш», «Ижтимоий ҳимоялаш», «Суғурта», «Соғлиқни сақлаш» бўлимларида иш олиб бордилар. Ўзбек мутахассисларининг республикамиздаги аҳоли ночор табақаларини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига доир маърузалари муҳокама қилинди.

Учрашув барча қатнашчиларининг махсус йиғилишида семинарга якун ясалди, унинг натижалари юзаоидан бир неча ҳужжатлар имзоланди.

МИЛЛИЙ СЕМИНАР ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРДИ

Мухбиримиз Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умурзоқов билан Жаҳон банки доимий ваколатхонаси бошлиғи жаноб Парвез Ҳасандан семинарга якун ясашни илтимос қилди.

Б. УМУРЗОҚОВ: семинаримизга келган кўп мутахассислар Ўзбекистонга катта амалий ёрдам бердилар. Нуфузли халқаро мутахассислар аҳолининг ночор табақаларини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги режаларимизга юқори баҳо бершганидан хурсандмиз. Бизга кўпгина фойдали маслаҳатлар беришди.

Парвез ҲАСАН: республикангизда ўтказилган бу семинар икки ёқлама фойдали бўлди. Биринчидан, семинар туфайли биз Ўзбекистон билан яхшироқ танишдик. Иккинчидан, мавжуд муаммоларни чуқурроқ ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Ўзбекистон четга хилма-хил маҳсулотлар чиқаради, унинг фойдали қазилма бойликлари, маълумотлн ходимлари кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳозирги қийинчиликларни бартараф этиш учун катта имкониятлар яратади. Биз Ўзбекистоннинг келажаги порлоқлигига ишонамиз.

(ЎзА).

БУВИМНИ «ҲОЛЧА АКА» ДЕРДИЛАР

У маҳалда мен ёш бола эдим. Бувимнинг юриш-туришлари, одамлар билан муомала, муносабатлари, гап-сўзлари худди кечагидек ёдимда. Қадди бўйлари ўзларига ярашган, эркаклардек бардам ва шаҳдам қадам ташлаб юрадиган жасоратли, шиддаткор аёл сифатида ҳамиша кўз ўнгимда гавдаланиб турадилар.

Колхозлаштириш бошланган кезлар эди. Эсимда, бир куни бувим мени табриклантлар, ширкатга биринчилар қаторида аъзо бўлдим, деб қолдилар...

Шу тариқа қайноқ ҳаётга шўнғиб кетганлар, Ширкатда нима иш бўлса, йўқ демай, тортинмай, бажариб кетаверганлар. Ўзларининг тиниб-тинчимасликлари, ташкилотчиликлари, ўткир зеҳнлари билан эл-юртнинг назарига тушганлар.

Бир куни қишлоқда катта йиғилиш ўтказилди. Бу йиғилишда ўша вақтнинг обрў-эътиборли фаолларидан Йўлчи Каримов, Нишонбой Алимов, Қурбонбой Қозоқбоев, Маҳкам Пўлатов ва Парпи Шодмонов ҳам иштирок этишди. Тўрабеков номли колхозга раис сайлаш масаласи муҳокама қилинибди. Буни қарангки, кўпчиликнинг таклифи, талаби билан ўша кунги йиғилишда Ҳадича бувимлар колхозга раис қилиб сайландилар.

— Бекор хўп депсанда, қизим, аёл бошинг билан сенга оғир бўлади!

Кечқурун Соҳиба онамларнинг ана шундай деб айтган гапларини эслайман.

— Одамларнинг раъйини қайтараолмадим-да, онажон, ҳавотир олманг, улар менга ишонишди, мен ҳам уларга ишониб, суяниб, ишлайман!

Ҳақиқатан ҳам бувимлар қачон қараманг, халқ орасида, далада, деҳқонлар билан бирга бўлардилар. Улар билан фикрлашиб, маслаҳатлашиб иш қилардилар-да! Шу туфайли ҳам ҳамма уларни ҳурмат қилар, бир гапларини икки қилишмасди. От миниб, уйғурча телпак кийиб, оёқда этик, қўлда қамчи билан селпиниб юришларини кўрганимда ўзимча ғурурланардим. Ҳамма уларнинг орқасидан эргашарди. Дўстлари ҳазиллашиб, «Ҳолча ака» дейишарди.

Йиллар ўтди. Жамоа хўжалиги оёққа тура бошлади. Одамларнинг умум ишига бўлган муносабати ўзгарди, меҳри ортди. Интизом мустаҳкамланди. Раиснинг ҳам мавқеи ортиб борди. Чунки у андишали камбағалларни, бева-бечораларни доим қўллаб-қувватларди. Дардмандларни қидириб топиб, кўнглини кўтариб, кераклн ёрдамни аямасдн.

Кечагидек эсимда. Бир куни мени ҳам олиб кетинг, деб эргашдим. Отларига мингаштириб далага олиб чиқдилар. Дарҳол бувимнинг атрофнни деҳқонлар ўраб олишди. Улар кенг далада, пахтазорда гўзани чопиқ қилишмоқда эди. Ўтган-кетган ишлардан, кундалик рўзғор, тирикчиликлардан суҳбатлар бошланди. Бувимлар дугоналари даврасида яна ҳам очилиб ёзилдилар. Ҳазил-ҳузул қилиб, хохолашиб кулишди, ҳордиқ чиқаришди. Бу орада бригада бошлиқлари ҳам етиб келишди. Толиб ака Олимов, Исмонл ака Иноғомов, Парпи ака Шодмонов (ҳозир у киши ҳаёт, 95 ёшдалар), Абдураҳмон ота Солиховлар гўза пайкалининг чеккасида туриб, шу кунги ишлар, эртанги юмушлар ҳақида фикрлашдилар.

Кунлар, ойлар ана шу тахлитда ўтарди. Эрта тонгда туриб далага отланган бувим қош қорайганда қайтардилар. Бир куни бувим титраб-қақшаб, ранглари қув ўчиб келдилар-да, отдан туша солиб, ўзларини уйга уриб, ётиб олдилар.

Соҳиба онамнинг ўтакаси ёрилаёзди. Нима бўлди, сенга қизим!

— Йўқ, ўзим. Иш билан бўлиб овқатланишни унутибман шекилли.

— Йўқ, сенга бир иарса бўлган, юрагим сезяпти,— дедилар Соҳиба онам.

— Ҳавотирланманг, онажон, бирпас дам олай, ўзимга келаман.

Аслида воқеа бундай бўлган экан.

Бу ҳақда кейин бувим ҳикоя қилиб берганлар.

Ихлос ота мозорининг ёнида Итўлгансой деб аталадиган хилватгўша, чакалакзор бўлган. Бувим кечга томон ўша атрофдаги ғўзаларни кўздан кечириб юрган эканлар. От чакалакзорга яқинлашганда тўхтаб қолган. Қулоғини динг қилиб, пишқирган. Оёғи билан ерни топтаб, безовта бўлаверган. Юр, жонивор, деб ниқталасалар ҳам от юрмаган. Во ажабо, нега бундай бўлянти, деб бувим ҳам ҳавотирга тушганлар, юраклари ўйнай бошлаган. Қарангки, жонивор фалокатни сезгандек огоҳлантираётган экан. Бирдан чакалакзор ичидан нкки давангирдек одам яшин тезлигида чиқиб келиб отнинг бошига ташланишган.

— Қўлга тушдингми, энди!

Уларнинг кўзлари ёнарди. Бўлмағур, ҳақоратли сўзларни айтишиб, сўкинишардн. Бувим билдиларки, булар колхозда ишлашни ёқтирмайдиган, ўғирлик қилиб кун кечиришни одат қилиб олган ва шу туфайли ҳам таъна-дашном эшитиб, эл-юрт ўртасида шарманда қилинган одамлардан эканлар. Ўч олишмоқчи! Йўқ, мақсадларинтта эришолмайсанлар, дебдилар бувнм ва шиддат билан отга қамчи босиб, айни пайтда уларнинг боши, юз кўзи аралаш савалабдилар. Бир неча дақиқадан кейин улардан бирининг кўзига қамчининг учи қаттиқ тегиб, гандираклаб ерга йиқилибди. Иккинчиси эса жон-жаҳди билан отнинг бўйнига осилиб, бир қўли билан пичоғини қинидан суғура бошлаган. Мўлжаллаб туриб бувим унинг қўлига қамчи билан қаттиқ туширибдилар. Шунда ҳам у қўлини қўйиб юбормай, анчагача судралиб борадн ва ниҳоят тап этиб ерга ағанаб тушади...

Бу «ҳужум», бу суиқасд бувимнинг иродасини сўндира олмади. Улар тушкунликка тушмаганлар. Аксинча, янада сергак, хушёр бўлиб ишлай бошладилар.

1932 йиллари қимматчилик бошланди. У қаҳатчиликка айланди. Очарчилик қишлоқ аҳолисига ҳам таҳлика сола бошлади. Одамлар ўт еб, топганлар кунжара ва тирикчилик қила бошладилар. Шишиб ўлганлар кўп бўлган. Ҳар хил касалликлар тарқала бошлади. Лекин зангиоталик фаоллар томошабин бўлиб туришмади. Халқнн бирлашишга, уюшишга, бир-бирларига ҳамкор, мададкор бўлишга бир магизни қирқ бўлиб ейишга чақирдилар. Топгантуттанларнин ўртага қўйдилар. Ҳар қайси маҳаллада бир маҳалдан овқат пиширнш, одамларга расамади билан улашиб чиқиш одат қилинди.

Бу орада хонадонимизда оғир мусибат юз берди. Зуфар тоғам йигирма ёшида вафот этди. Бувим бу оғир йўқотишни кўтара олмай қаддилари букилиб қолди. Анча кунгача ишга чиқолмадилар... Кейинчалик улар раиснинг ўринбосари, партия ташкилотининг котиби, хотин-қизлар қўмитаси раиси ва бошқа хизматларда ишладилар...

Бувимнинг оталари Самсоқ ҳожи ўз замонасининг етук, илғор кишиларидан бўлиб, икки маротаба Ҳажга пиёда сафар қилганлар. Улар Заигиотадаги ишбилармонлар ва қози-калонларнинг энг яқин маслаҳатгўйи снфатида обрў-эътибор топганлар. Ана шундай табаррук нисоннинг фарзанди бўлган Ҳадича бувимни айни кунларда ҳам Заигиота халқи яхши эслайди. Хотирасини ўрнига қўяди, қалбида сақлайди. Мен шундай бувим бўлганлиги билан ҳақли равишда фахрланаман.

Эргашбой ТОШМУРОДОВ, журналист.

• *Одамлар ва тақдирлар* •

• *Мутахассис минбари*

ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ЭМАС

ВИЛОЯТИМИЗ шаҳар ва туманларида ишлаб чиқариш чиқиндилари ва рўзғор супуриндиларини ташиш, тўплаш ва қайта ишлашда мавжуд бўлган жиддий қамчиликлар жуда сусткашлик билан бартараф этилмоқда. Бу соҳа бўйича кўрилаётган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси кўнгилдагидек бўлмаяпти. Ишдаги пала-партишлик, чиқиндиларни белгиланган жойларга ташиб келтириб тўкмаслик, дуч келган жойга ташлаб кетиш, ахлатхоналар атрофини ўрамаслик ҳоллари ҳамон учрамоқда.

Вилоятимиз ҳудудида эса 18 та ахлатхона ишлаб турипти. Улар асосан туманларда жойлашган. Лекин кўпчилигида табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилмаяпти. Экологияни яхшилаш юзасидан етарли тадбирлар амалга оширилаётгани йўқ. Ахлатхоналар ишини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалалар вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ҳайъат мажлисларида бир неча бор муҳокама қилинди. Яхшигина тадбирлар ҳам белгиланди. Лекин уларни амалга ошириш учун қатъий киришилмаяпти. Шу сабабли ахлатхоналардаги экологик вазият мураккаблигича қолмоқда. Бу масалада, айниқса, туманлар коммунал-хўжалик бўлимлари, қолаверса табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг фаолиятсизлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Тошкент шаҳрининг чиқиндилар ташланадиган ахлатхонаси Оҳангарон йўлининг 30-километрида жойлашганлигини кўпчилик билади. Лекин уни тартибга келтириш ишлари чўзилмоқда. Бу ерда санитария нормалари бузилмоқда. Ахлат устини тупроқ билан ёпиш, чиқиндиларни компост қилиш ишлари йўлга қўйилмаган. Натижада чиқиндиларнинг ёниши ва туташи каби нохуш ҳоллар содир бўлмоқда. Бу билан атмосфера ҳавоси жиддий равишда бузиляпти. Бундан ташқари чиқиндиларни ташиб келтирадиган ҳар бир автомашина зарарсизлантирилиши, яъни дезинфекция қилиниши керак. Бунинг учун махсус майдон ташкил этиш лозим. Лекин бундай майдонлар ҳамон йўқ. Бунинг устига чиқиндихона атрофини ўраш ва ёритиш ишлари ҳал қилинмаяпти. Мутасадди ташкилотлар раҳбарлари эса буннинг устидан лозим даражада назорат олиб боришмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати бундан деярли беш йил илгари Тошкент шаҳар ва вилоят ижроия қўмиталари зиммасига чиқиндиларни қайта ишлайдиган корхоналар қуриш учун маблағ ажратиш вазифасини юклаган эди. Бундай корхоналарни Олмалиқ ва Бекобод шаҳарларида барпо этиш режалаштирилди. Лекин Олмалиқ шаҳар ижроқўми унинг аторф-муҳитга салбий таъсир қилиши мумкинлигини баҳона қилиб, корхонани лойиҳалаш ишларини тўхтатиб қўйди. Паркент, Қибрай, Янгибозордаги ахлатхоналар лойиҳаси тайёр бўлишига қарамай уларни қуриш бошланганича йўқ. Бунинг учун маблағ топилмаяпти. Ваҳоланки, бу жойлар атроф муҳит мусаффолигини таъминлашдек олижаноб мақсадга хизмат қилган бўларди.

Ҳозирги вақтда қатор ахлатхоналарда ширкатлар ташкил этнлган бўлиб, улар чиқиндилардан турли хил зарур нарсаларни ажратиб олмоқдалар ҳамда турли маҳсулотлар ишлаб чиқарншни йўлга қўйишяпти. Бундай ширкатлар сонини янада кўпайтириш керак. Бунинг учун имконият ва маблағ ҳам топилиши мумкин. Ҳамма гап ҳафсалада қолган. Шаҳар ва туман коммунал хўжалик бўлимлари бу муаммони ижобий ҳал қилсалар айни муддао бўларди. Умуман, чиқиндихоналарни тартибга келтириш учун эътибор лозим. Уларни иккинчи даражали жойлар деб ҳисоблаш мумкин эмас. Чунки ҳавонинг тозалиги, сувнинг софлиги муайян даражада шундай жойлардаги тартибга ҳам боғлиқ. Буни унутмаслик лозим.

Т. ТЎРАЕВ, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, ер манбаъларини муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш ва кимёвий воситаларнн назорат қилиш нозирлиги бошлиғи.

• *Бўка районида*

ҲИССАЛАРИ КАТТА БЎЛДИ

● БУ ЙИЛ бўкалик пилла-корлар 159 тонна пилла топширишга аҳд қилишган. Бу режани бажариш учун астойдил ҳаракат қилинди. Авжи пилла топшириш қизғин кунларда тайёрлов тармоғига режанинг 13—15 фоизи ҳисобидан маҳсулот топшириб турилди.

«Бўстон» жамоа хўжалиги биринчилардан бўлиб режасини бажарди. 4200 килограмм ўрнига 4300 килограмм хом ашё топширилди. Режани барвақт бажаришга А. Умаров, А. Бойнозов, Б. Машарипова сингари пилла-корлар катта ҳисса қўшдилар. Улар 120—240 килограммдан пилла топширдилар.

«Паркент» жамоа хўжалигида 110 қути қурт уруғидан 5900 килограмм пилла топширилди. З. Қўзиева, М. Чиннибоев, Р. Мусабекова, М. Жумабоевалар пилладан юқори ҳосил олдилар.

«Бўстон» хўжалиги режага қўшимча 1200 килограмм, «Паркент» хўжалиги эса минг килограмм пилла топшириш учун ҳаракат қилмоқда.

●

«ДЎСТЛИК» ЛАГЕРИ ИШ БОШЛАДИ

● «ЯНГИ ҲАЁТ» жамоа хўжалнги худудида жойлашган «Дўстлик» хўжаликлараро ўқувчи-ёшлар лагери иш бошлади. Биринчи сменада 200 бола дам олади. Шунингдек, райондаги мактабларда ҳам 11 та лагерь очилди. Деҳқонларнинг фарзандлари бу лагерларда яхши дам олишлари, турли кўнгилочар ўйинлар билан машғул бўлишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Уларни тарихий жойларга, шаҳарларга саёҳатга олиб чиқиш режалари тузиб қўйилган. Ана шу режалар бўйича яқин кунларда амалий ишлар бошлаб юборилади.

Н. ИСАЕВ.

ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ЎЗЛАРИ ЕТИШТИРИШАДИ

Юқоричирчиқ районидаги «Гулистон» жамоа хўжалигида ишбилармонлар сафи кенгаймоқда. Мен шу хўжаликда бўлганимда у ерда амалга оширилаётган ишлар кўламини кўриб бунга ишонч ҳосил қилдим. Менга ҳамроҳлик қилган район агросаноат уюшмасининг раиси Эркабой Отабоев хўжаликда яқиндагина қуриб битказилган иссиқхонани кўрсатаркан:

— Биласизми, ишни кўзини билиб меҳнат қилишда гап кўп. Мана бу сиз кўриб турган бир гектарлик иссиқхона қурилиши шу йилнинг январь ойида бошланган эди. 1 апрель куни эса қуриб битказилди.

Биз жамоа хўжалиги раисини ҳам иссиқхонада учратдик.

— Айнн пайтдаги шароит тадбиркорликка кенг йўл очмоқда,— дейди раис.— Иссиқхона қурилишига келсак, биз хўжалик бошқарувнинг аъзолари билан йиғилишиб, уни қуришга аҳд қилдик. Бу шу йилнинг бошларида бўлган эди. Каттадан-кичик тиним билмай меҳнат қилди. Бир гектарлик иссиқхонадан хўжалигимиз анчагина манфаатдор бўлишини аъзоларимизга тушунтирдик. Агар кишилар моддий манфаатдорликни ҳис қилишса кечаю кундуз тиним билмай ишлайдилар. Мана кўриб турган қурилиш ишларига 80 миллион сўм маблағ сарфланди. Шу жумладан, темир қувурнинг ўзидан 25 километр сарф қилдик. Барнаул шаҳридаги ип-газлама комбинати билан шартнома тузгандик. Ўша ердан етти вагон ойна олиб келдик. Шу ҳаракатларимиз туфайли меҳнаткашларга бундан буён қишда ҳам ёздагидек қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш имкониятига эга бўлдик.

— Қурилиш яна давом этяпти шекилли,— тащқарига ншора қилдим.

— Ҳа, албатта. Иккинчи гектар иссиқхона қурилишини ҳам бошлаб юбордик. Чунки иссиқхонанинг қозонхона қуввати 8 гектардан зиёд майдонга етади. Биз келгусида иссиқхонани кенгайтириб боришни режалаштирганмиз.

Биз иссиқхонани айландик. Помидор кўчатлари гуллаб, барқ уриб ривожланиб ётибди. Олди ҳосил эса ранг келтирмоқда.

— Бу йили 18 минг туп помидор кўчати экдик. Улар «Ўзбекистон», «Талалихин» навларидир. Айни пайтда экинларни чопиқ қилаяпмиз. Бу ишни бажариб бўлгач, суғоришга ўтамиз. Бундан ташқари, мана ўзингиз кўриб турганингиздек, лимон кўчатлари ҳам етиштиряпмиз. Келгусида мана шу иссиқхонада лимончиликни ҳам ривожлантирамиз,— дейди бригада бошлиғи Ғофирали Султонов.

Иссиқхона ишчи-хизматчиларининг дам олишлари ва ҳордиқ чиқаришлари учун қурилаётган биноларни ҳам кўздан кечирдик. Ечиниш, дам олиш хоналари, ҳатто саунагача бор бу ерда. Бундан ташқари ҳосилнн қайта ишлайдиган кичик цех қурилиши ҳам ниҳоясига етказилаётган экан.

Мен жамоа хўжалигида бажарилаётган ишлар билан танишиб қайтар эканман, халқимнз кутаётган тўкинчиликка мана шундай қўллари қадоқ, фидойи деҳқонлар, қолаверса, уларга раҳбарлик қилаётган кишиларнинг меҳнатн орқалигина етишишимизга иймон келтирдим.

Р. НЕЪМАТОВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

● **ФРАНЦИЯ пойтахтида Ғарбий Европа иттифоқи Ассамблеясининг 39-сессияси очилди. Унда мазкур иттифоқнинг келажаги ва ҳозирги дунёдаги ўрни, Югославиядаги можарони бартараф этиш истиқболлари ва Шарқий Европа мамлакатларидаги аҳвол, Ўрта денгизда хавфсизликни таъминлаш муаммоларн, Европадаги ракетадан мудофаа тизимига бағишланган Рим анжуманининг якунлари хусусидаги масалалар муҳокама қилинади.**

Бу галги сессияда Европадаги кўпгина давлатларнинг, шу жумладан Россия, Польша, Словения, Швецня ва Болтиқбўйи давлатларининг вакиллари кузатувчи сифатида қатнашадилар.

● **ВЕНАДАГИ «Австрия» конгресслар саройида инсон ҳуқуқларига бағишланган жаҳон конференцняси иш бошлади. 180 тадан кўпроқ давлатларнинг вакилларн ўзгариб турган снёсий шароитда инсон ҳуқуқларн ва эркинликлари билан алоқадор кўпгина масалаларни кўриб чиқадилар, бу соҳада давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг аниқ-равшан йўлларини белгилайдилар.**

● **РЕЙНЛАНД-ПФАЛЬЦ ўлкасининг бош вазнри Рудольф Шарпинг Германия соцнал-демократик партиясининг раиси лавозимига якка-ёлғиз номзод бўлади. Шу йилнинг 25 июнида Рурдаги Эссен шаҳрида бўладиган фавқулодда партия съездн уни расмий равишда тасдиқлаши керак.**

● **Мўғулистон бош вазнри Пунцагийн Жасрай АҚШ.га жўнаб кетди. 10 кунлик амалий ташриф чоғида у икки томонлама ҳамкорликка бағишланган симпозиум ишида қатнашади, савдо-саноат доираларининг намояндалари билан амалий суҳбатлар ўтказади.**

● **КХДР май ойининг охирларида Япон денгизи акваториясида ўртача олисликка учадиган янги баллистик ракетани синаб кўрди. Олис масофага уча оладнган ва ядровий ёки кимёвий зарядни элта оладиган бу ракета қарийб 500 километр масофага учиб борди ва Японияга қарашли Ното ярим ороли яқнндаги нишонга бориб тегди. ЭН-ЭИЧ-КЭЙ телекомпаниясининг хабар қилишнча, бу ракета «Нодон-1» («Меҳнат-1») деб номланади.**

● **БОСНИЯ ва Герцеговина ҳайъати мусулмон ва хорват тузулмаларига республиканинг марказий туманларида қуролли тўқнашувларни тўхтатиш ҳақида фармойиш берди. Собиқ Югославияга бағишланган музокара жараёнининг ҳамраислари Турвалд Столтенберг билан Дэвнд Оуэн мусулмонлар жамоасининг раҳбари ва ҳайъат раиси Алия Изетбегович бошчилигида ҳайъат аъзоларини БМТнинг Европа бўлимига маслаҳат учун таклиф қилган эдилар.**

● **КАНАДА ҳукмрон тараққийпарвар-консерва т и в партиясининг раҳбари этиб сайланган Ким Кэмпбелл янги бош вазнр бўлади. Партнянинг Оттавада бўлган съездида у овозларнинг 53 фонзини олиб ғалаба қозонди.**

46 яшар Кэмпбелл хоним Канада тарихида аёллардан биринчи бош вазир бўлиб қолади. Ҳозирги ҳукуматда у мудофаа вазнри эди.

● **БОЛГАРИЯ демократик кучлари Иттифоқининг раҳбариятн Софияда парламентнинг шу партиядан сайланган депутати Эдвин Сугаревни қўллаб-қувватлаш юзасидан митинг ўтказди. Бу депутат Президент Желев истеъфога чиқсин, деган талабни қўйиб, очлик эълон қилган эди.**

● **РАТА-ТАСС мухбирининг Мехикодан хабар қилишича, Никарагуа қуролли кучларининг махсус бўлинмаси якшанба куни собиқ сальвадорлик қўзғолончиларга қарашли маҳфий қурол-яроқ ва ўқ-дори омборини тугатди. Бу ерда Сальвадорда тинчлик ўрнатиш ҳақидаги битимнинг бажарилишини назорат қилувчи БМТ кузатувчилари ҳозир бўлдилар.**

● **АМЕРИКАНИНГ аэрокосмик корпорацнялари МРБ ва Пентагондан замонавий жосус йўлдошларни хусусий, шу жумладан хорижий фирмаларга сотишга ижозат беришни талаб қилмоқдалар. «Ньюсуик» ҳафтаномасининг далолат беришнча, бу талаб АҚШ конгрессида қўллаб-қувватланмоқда.**

Маълум бўлишнча, космик разведка суратлари маълумотларини геологияразведка компанняларига ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига сотишдан йилига 10 миллиард доллар даромад олинади.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА
• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

ФУТБОЛ

ҚАРОР САТРЛАРИ ОРТИДА

ТОМОШАБИНЛАРНИНГ СЕВИМЛИ ЎЙИНИ

Тошкент республиканинг етакчи футбол клуби — «Пахтакор» командасининг меъёрий машқ жараёнлари ва муваффақиятли ўйинлари учун барча шарт-шароитни яратиш мумкин ва лозим. «Пахтакор» барча даражадаги ва босқичдаги мусобақаларда мустақил Ўзбекистон пойтахти шаънини ҳимоя қилади. Шаҳар ҳокими А. Фозилбеков шанба куни ўтказган кенгашдан ана шундай хулоса чиқариш мумкин. Унда шаҳар туманларининг ҳокимлари, республика давлат спорт комитетининг, жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон республикасида футболни ривожлантириш чоралари тўғрисидаги ҳукумат қарорини, шу масала юзасидан Президент Ислом Каримов тансияномаларини амалга ошириш йўллари муҳокама қилинди. Биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва келгусидаги вазифалар аниқлаб олинди. Масъул ижрочиларга командага ёрдам беришга, ўйингоҳга томошабинларни жалб этишга доир аниқ топшириқлар берилди.

Ҳамдўстлик ҳудудида Тошкент энг яхши ўйингоҳи бўлган шаҳардир, дейилди кенгашда. Бу ажойиб спорт базаси бўш туришига, ундан етарлича фойдаланмасликка йўл қўйиш мумкин эмас. «Пахтакор» командасини қўллаб-қувватлаш республика пойтахтининг обрўси билан боғлиқ масалагина бўлиб қолмай, у Ўзбекистон раҳбарияти ўтказаётган ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган иш билан бевосита боғлиқ эканлиги таъкидланди.

(ЎзА).

БИРИНЧИ ДАВРА ТУГАДИ

● **КЕЧА** бўлиб ўтган учрашувлардан сўнг республика миллий биринчилиги олий табақаси иштирокчилари мавсумнинг ярмига якун ясадилар.

Бир кун аввал «Пахтакор» ўйингоҳида майдон эгалари билан вилоятимиз вакиллари — «Политотдел» жамоаси учрашди. Ўйиндан олдин қишлоқ футболчилари устози Владимир Бондаренко билан суҳбатда бўлдик.

— Маълумки, команда мавсумни қўш ғалаба билан бошлаган эди. Кейинчалик ўйинда гоҳ кўтарилиш, гоҳ кетма-кет мағлубиятлар бўлишининг сабабини қандай изоҳлайсиз?

— Биз олдимизга қандай бўлмасин очко йиғиш вазифасини эмас, балки ўз ўйин услубимизни топиш, ёшларнинг маҳоратини ошириш, яқин 2—3 йил ичида эса кучли жамоани вужудга келтириш вазифасини қўйганмиз,— деди устоз.—Агар эътибор берсангиз, командамизда «юлдуз»лар йўқ. Аксарият ўйинчиларнинг ёши йигирмага етиб-етмаган. Сергей Козлов, Александр ва Алексей Абдуҳолиқовлар, Жаҳонгир Рўзиқулов, Авазбек Ҳошимов, Арслон Толипов, Ғайрат Одиловлар эндигина 18 га тўлди. Биз ана шу ёшларга ишонамиз. Уларни тўғри тарбиялай олсак, келажакда яхши футболчилар бўлиб етишишади. Яхши ўйинчилар жамланганда эса табиийки, кучли команда вужудга келади.

Ўйин бошлангач, пахтакорчиларнинг тажрибали эканлиги яққол сезилди. Чорак соат ўтар-ўтмас Нўъмон Ҳасанов ҳисобни очди. Лекин «Политотдел» ўйинчилари руҳан тушмай вақти-вақти билан қарши ҳужумга ўтиб туришди. Кўп ўтмай, жамоанинг сардори — Олег Шацких ҳисобни тенглаштирди. Танаффусга майдон эгалари 2:1 ҳисобида (иккинчи тўпни ҳам Нўъмон Ҳасанов киритди) қўллари устун ҳолда чиқишди. Иккинчи бўлимда Шуҳрат Мақсудов рақиблар дарвозасига иккита тўп киритди. «Пахтакор» 4:1 ҳисобида ғолиб келиб, биринчи даврани 23 очко билан иккинчи ўринда якунлади. «Наврўз» жамоасини 3:1 ҳисобида мағлуб этган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари 25 очко тўплаб, биринчи бўлдилар.

● *Кино олами*

«НОЗУГУМ»

Уйғур халқининг миллий қаҳрамон қизи, оташнафас шоираси, буюк ирода соҳибаси Нозугум ҳақида бадиий фильм ишлашни кўпгина соҳибқаламлар ният қилишган эди. Уларнинг айримлари тарихий воқеликни кенг планда ўрганишда маълум тўсиқларга дуч келиб, улуғ ниятларига ета олмадилар. Вақтлар ўтиши билан бу саховатли ва шарафли вазифани уддалаш Ўзбекистонда танилган режиссёр Аброр Қосимовга насиб этди. «Нозугум» бадиий фильмининг экранга йўл олганлиги уйғур маданияти тарихида ҳам катта воқеа бўлди.

Маълумки, Нозугум қисқа умр кўрган бўлса-да, унинг жасоратга тўла ҳаёти бениҳоя узун, авлодлардан авлодларга ўтадиган, қалбларга ғурур ва қатъийлик бахш этадиган тарихдир. Оддий халқ ичидан чиққан Нозугум гўзаллиги, латофати, шоирона салоҳияти, қайсарлиги, ватан ва халқига содиқлиги билан машҳурдир. Нозугум ҳақида қанчадан-қанча ҳикоятлар, ривоятлар яратилди, балладалар, достонлар ёзилди, ёдгорликлар ўрнатилди. Аммо бу қаҳрамон қизнинг беҳаловат ёшлиги оғир, даҳшатли таҳқирлар, сургунлар, изтироблар, зулм-ситамлар билан ўтди.

Воқеанинг тарихий фожиаси мана бундай эди: Манжур босқинчилари 1826 йили Жаҳонгир Хўжа бошчилигидаги Қошғария озодлик қўзғолончиларини ёвузларча бостириб, Жаҳонгир Хўжанинг бошини танидан жудо қилиб, кесилган бошни Пекинга Манчинг хонига олиб кетадилар. Хоқоннинг фармони билан Қошғаридан олти минг хонадон уйғурларни Или водийсига сургун этадилар. Оч-яланг ҳайдалган аҳолининг тенг ярмини хотин-қизлар ташкил этарди. Шуларнинг ичида чеҳрасида ажаб бир шижоат, иқтидор нури порлаб турган Нозугум ҳам бўлади.

Нозугум босқинчиларнинг бешафқатлиги, қабиҳлиги, қонхўрлигини кўриб, ҳижронни ҳижрон билан, дардни дард билан назмга солади.

Нозугумнинг ўзи ҳам, заковати ҳам, беназир савияси ҳам, иқтидорию қобилияти ҳам, маҳорати, жасорати ҳам халқига яқин, тушунарли ва азиздир. Зеро, Нозугум кишини мафтун этадиган гўзалликка, кишини лол қолдирадиган жасоратга эгадирки, у барча сургун этилганларни ўзига эргаштириб, сафга тортиб, уларга руҳий мадад, куч бахш этади.

Манжур босқинчиларининг қонли ички режаларида сургундаги гўзал қиз-жувонларни Или вилояти Суйдунгкура шаҳридаги манжур, қалмоқ амалдорларига хотинликка мажбурий совға қилишдан иборат фожиалар ўрин олган эди.

«Нозугум» бадиий фильмида Нозугум образини уйғур қизи Сунбот Ғаниёрова юксак маҳорат билан яратган. Кура шаҳридаги қонли воқеалар, аччиқ хотираларни инсон боласи ҳеч қачон унутолмайди. Бу ердаги жоҳил табиат, нақд иблиснинг ўзи ҳисобланган манжур амалдорлари, қалмоқ анбалларининг қотилликларини тарих кечиролмайди. Афти-башарасидан ҳатто маймун ўзини панага оладиган анбал-ҳоким (бу образни уйғур шоири Хилил Ҳамроев юксак маҳорат билан ижро этган) Нозугумни хотинликка олмоқ ниятини билдиради. Зўрлик ҳуқуқига амал қилган ҳолда ўзини қонундан юқори қўйган анбал Нозугумнинг иффат номусини поймол қилмоқни разилона ният қилиб, ўрдасига келтиради. Бу қабиҳ ҳолатни Нозугум шундай ифодалайди:

**Анбал уйи зиннатли,
Олтин девор томлари.
Чой ўрнида ичгани
Сургунларнинг қонлари.**

У шу дамда не-не мудҳиш изтиробларни, не-не хўрликларни бошидан кечирар экан, илондан ҳазар қилганидек, Анбал билан яккама-якка курашга аҳд қилади. Нозугум дунёдан умид узмаган ҳолда мардлик курашига тайёрланади. Фурсатдан фойдаланиб, босқинчи кўксига ханжар уради.

Ҳаво айниб, қора булутлар қоплаган, тун зимзиё. Бу рутубатли тунда Манжур амалдорларигина эмас, соқчилари ҳам кўчага чиқишни хоҳламай қимор ўйнаш билан банд бўлади. Нозугум мухолифлик удумига амал қилиб, шу кечаси ўрдани тарк этади. Или дарёси соҳилига яқинлашган Нозугум катта-кичик ўрмонларни босиб, оқибат Чорин қишлоғининг дарё этагидаги қалин қамишзордан ўзига паноҳ топади. Балиқ тутиб овқатланади. Бу манзара режиссёрга энг зарур, диққат-эътиборли ўрин ҳисобланиб, асосий картиналарга шу қамишзорни танлайди.

Изқувар манжур соқчилари бу водийга ҳам келиб, Нозугумни тирик қўлга олиш мақсадида қамишзорга ўт қўйишади. Лекин тадбиркор, иродали Нозугум қамишдан сол ясаб, олади. Босқинчи соқчилар бу солни ҳам текшириб— қилич санчиб кўради. Сув ичига яширинган Нозугумни топа олмайдилар. Босқинчилар кетганидан сўнг Или дарёсини кесиб ўтиб, ўнг қанотга чиқади. У ердан тоғ этаклари ора юриб Кетман қишлоғининг тоғ ёнбағирларига яширинади.

Ғорда уч ой яширинган Нозугум бир куни ўтин олишга келган чолни (Нурмуҳаммад ота — Анвар Кенжибоев яратган образ) кўриб қолади. Шитирлашларни сезган Нурмуҳаммад бобой ҳам Нозугумни кўриб, оталик меҳр-муҳаббатини изҳор этади. Бобо эртаси нон-чой олиб келаётганда манжур соқчиларига тутқун бўлади. Ғор олдида бобони отиб ташлайдилар. Буни кўрган Нозугум майдонга тушиб бобони бағрига босади:

— Жаллодлар, қотиллар, босқинчилар! Отамни қатл этдинглар, гўрларингда тўнғиз қопгур қотиллар! — деб нафрат ёғдиради. Сурбет, ваҳшийликдан ҳазар қилмайдиган қонхўр соқчилар бошлиғи (бу образни Иноғом Қодиров яратади) ғазабидан ёрилгудай бўлади ва Нозугумнинг қўл-оёқларини боғлаб олиб кетади.

Нозугумнинг севган вафодори, умр йўлдоши Боқий — (бу образни ўзбек кино артисти Машраб Кимсанов юксак маҳорат билан ижро этган) кўп машаққатларни бошдан кечириб, оқибат Нозугумни қароқчилар яна қўлга тушириб Кура шаҳрига олиб кетганлигидан хабар топади. Ўз сафдошлари билан Кура шаҳрига қараб от солади.

Қўл-оёқлари занжирланган Нозугумни Кура шаҳридаги Ши ёмул (ғарбий зиндон)га маҳкум этадилар. Бу зиндон энг даҳшатли, энг фожиали воқеалар тарихига эгадирки, Нозугум уни шундай ифода этади:

**Ёлғиз, ғариб Нозукни
Ши ёмулга сўлашди.
Қон ичмакка чирклар
Чумолидек улашди.**

**Фармонингни бер жаллод,
Мени чопиб ташлашга.
Эл қасоси миналҳақ,
Сенга йўл йўқ яшашга.**

Жонгжунг фармони билан Нозугумнинг боши танидан жудо бўлди. Лекин буюк жасорати, ор-номуси тарихга муҳрланди. Илорхон, Гуландом, Сорихон бону, Нозугумларга ўхшаш ўнлаб адолат, озодлик, истиқлол, ор-номус байроқларини баланд кўтарган тенгсиз қаҳрамон қизларимизнинг босиб ўтган мардлик йўли, авлодларнинг битмас-туганмас ифтихоридир. Энди бу фожиалар ўтмиш. Уларни ўтмишга айлантирган буюк истиқлолдир.

«Нозугум» фильмини яратишда миллийликка алоҳида эътибор берилган, миллий либослар тўғри танланган. Или дарёси соҳиллари, ўрмонлар, чангалзорлар, қамишзорлар, чўл-жазиралар томошабинни узоқ саёҳатта бошлайди. Фильмнинг муваффақиятли чиқишида актёрлардан Жамол Ҳошимов, Ойбарчин Бакирова, Санъат Девонов, Рихси Иброҳимоваларнинг меҳнати, ижрочилик маҳоратлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Тошкентдаги «Торим» ширкатининг бош директори Ёрмуҳаммад Абдусаттор ўғли шундай фикрни изҳор этди:

— Бу фильмга «Торим» ширкати харидор. Фильмни кўрганимда XIX аср уйғурлар эли кураш тарихининг зарварақларини ўқигандек бўлдим. Нозугум уйғур халқининг қаҳрамонлик кураш тарихида абадулабад яшайдиган жасур қизидир. Фильмни яратишдаги барча ҳаражатларни биз ўз зиммамизга оламиз.

Ўзбек киностудияси билан келишилиб, фильм «Торим» ширкати ҳомийлигига ўтказилди. У яқин кунларда катта экранга йўл олади.

ОСИМ БОҚИИ ЎҒЛИ.

СУРАТЛАРДА: «Нозугум» фильмидан лавҳалар.

ЭҲТИЁТСИЗЛИК—ҲАЛОКАТ САБАБЧИСИ

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Давлат автомобиль назорати Бошқармасида йўл ҳаракати қоидалари масалаларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Бозор иқтисодиёти икки оёқни бир этикка тиқиб қўйди, талай муаммоларни келтириб чиқарди, илгари энг арзон ҳисобланган автобус, трамвай, троллейбуслар кира ҳақи бир неча баравар ошди. Лекин, шундай бўлса-да, йўловчилар, ҳатто шахсий автомашинаси бор кишилар ҳам автобус, трамвайларни афзал билишмоқда. Сабаби эса аён: ёнилғи қимматлашиб кетди, автомобилларнинг арзимаган эҳтиёт қисмлари фалон пул.

Бундан ташқари шаҳар жамоат транспорти зўриқиб ишламоқда, кўпчилиги таъмирланишга муҳтож.

Матбуот конференциясида шунга ўхшаш қийинчиликлар тилга олинди, шаҳар транспортининг қувватини ошириш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаётганлиги айтиб ўтилди. Масалан, ГФР ва Жанубий Кореядан 200 та автобус сотиб олинди, пиёдалар учун ер ости йўллари қурилмоқда, йўллар тартибга келтирилмоқда.

Конференция қатнашчилари эътибори болаларнинг бахтсиз йўл-транспорт ҳодисаларига кўплаб учраётганлигига қаратилди. Шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида ўтган йилгидан 25 марта кўп бахтсиз ҳодиса рўй берганлиги ташвишлидир. Бунда давлат автомобиль назорати инспекторларини айблаб бўлмайди. Улар қўлларидан келган бутун чораларни кўришяпти. Лекин ота-оналарнинг эътиборсизлиги, болаларнинг йўл қоидаларини бузаётганлиги ана шундай кўнгилсизликларга олиб келмоқда. Мактабларда болаларга йўл-транспорт қоидаларини ўргатиш «хўжакўрсин»га айланиб қолганлигидан кўз юмиш мумкин эмас. Тошкент шаҳар халқ таълими Бошқармаси раҳбарияти бу ишни ўз назорати остига олиши, ўқувчиларнинг махсус автодром ва майдончаларда машғулотлар ўтказишлари учун имконият яратиб беришини таъминлаши зарур.

Матбуот конференциясида газеталар саҳифаларида йўл ҳаракати қоидаларини кенгроқ тарғиб қилиш, корхоналар, мактабларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтилди.

**Ю. ҚОБИЛЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

● *Вилоят хабарлари*

ЧОРВОҚ ЧОРЛАЙДИ

Бўстонлиқ районининг энг гўзал ва соя-салқин масканига жойлашган бу лагерь «Чорвоқ» деб аталади. Чорвоқ сув омбори доим шабадаси эсиб турадиган мазкур боғ қўйнида ўқувчилар ёзини ҳар томонлама қизиқарли ва мазмунли ўтказиш учун катта тайёргарлик ишлари кўрилди. Бу ердаги мўъжаз уйчалар сифатли таъмирланди. Бундан ташқари қўшқаватли бино ҳам янги мавсумга мослаб, таъмирлашдан чиқди. Кино томошахонаси, стадионда ҳам қўшимча бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Тошкент шаҳар нефть ва газ саноати қурилишига қарашли бўлган бу оромгоҳда мавсумда корхона ходимларининг 1200 га яқин ўғил-қизи дам олади.

«ҚАЛБ ЖАРОҲАТЛАРИ»

«Киноактёр» ижодий уюшмаси Оҳангарон табиати манзаралари билан боғлиқ янги фильмни суратта олишга киришди. «Қалб жароҳатлари» деб аталган мазкур кўп серияли бадиий фильмдаги қатор эсда қоладиган воқеалар Оҳангарон тоғларида содир бўлади. Район ҳокимлиги билан бамаслаҳат иш тутилди. Оҳангарон шифер корхонаси янги фильмга ҳомийлик қилишни ўз зиммасига олди.

Ижодий гуруҳга ёш кинорежиссёр А. Нурматов бошчилик қилмоқда.

А. АЛИЕВ.

● *Шунақаси ҳам бўлади*

БОЙВАЧЧАЛАР КЎНГИЛ ОЧИШГАНДА...

Миллионлаб томошабинлар «Бойлар ҳам йиғлайди...» телесериалини мириқиб кўришди. Курорт шаҳар Ялтада эса одамлар бойларнинг қандай кўнгил очишганининг гувоҳи бўлишди. Гап шундаки, «Фиолент» жамияти ва «Коламбус» лигасининг профессионал боксчилари мусобақасини ўтказиш учун шаҳарда дурустроқ жой топилмади. Ишбилармонлар йўлини излашди: кўп қаватли «Ялта» меҳмонаси ресторани залини мусобақа учун мослаштиришди. Бу ўйинга фақат бойлар кирди. Чунки билет нархи камбағалларнинг ҳамёнига тўғри келмасди.

Керакли одамлар эса бепул киришди, улкан стол устидаги бор ноз-неъматларни еб битиришди, қимматбаҳо ичимликлардан ичишди. Бокс мусобақаси ва зиёфат ҳаражатини исмини айтишни истамаган номаълум ҳомий ўз ёнидан тўлади.

Пул қутиртирган бойваччалар яна бир ҳунар кўрсатишди: куппа-кундузи Ялта осмонида товушдан тез учувчи — қирувчи самолётлар, вертолётлар пайдо бўлди. Улар кўкда ўйин кўрсатаётганда шундай шовқин-сурон кўтарилдики, уйларнинг ойналари чил-чил синди, саросимага тушган одамлар кўчаларга югуриб чиқишди.

Осмондаги ўйинлардан сўнг пулдорлар яна ресторанга тўпланишди, бу ерда эртаклардагидек базми-жамшид тонг отгунча давом этди.

● *Чирчиқ янгиликлари*

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИБ

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ҳар қандай шароитга қарамай шартномавий мажбуриятларини бажариб келмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги учун ўз вақтида бир неча минг тонналаб минерал ўғитлар етказиб бермоқда.

Улар нафақат жамоа хўжаликлари, балки боғ ва томорқа эгаларига ҳам 3 минг тоннадан кўпроқ юқори сифатли карбамид етказиб бердилар. Бу ерда карбамидчиларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳосилдорлик элексирининг маълум бир қисми жумҳурият савдо тармоқларига чиқарилди.

Бундан ташқари бирлашманинг 51-цехида тайёрланган уй-рўзғор термосларининг дастлабки туркуми ҳам сотув учун юборилди. Йил охиригача чирчиқликлар истеъмол бозорига бу каби термослардан яна 15 минг донадан кўпроқ етказиб бериш ниятидалар.

●

МЕТАЛЛУРГИЯ ЛАБОРАТОРИЯСИ— ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Ўтган йили «Ўзбекхиммаш» заводида ташкил қилинган тажриба металлургия лабораторияси металл бўйича бир қанча тажрибалар ўтказди. Турли машиналар ва механизмларнинг эҳтиёт қисмлари учун бу ерда пўлат, мис ва рангли эритмаларнинг замонавий технологиялари жорий қилинган.

Лаборатория ўз эҳтиёжлари учунгина эмас, балки Ўзбекистоннинг машинасозлик ва рангли металлургия саноати учун ҳам буюртмаларни бажаради. Айни кунларда бу лаборатория «Ўзбекхиммаш»га кўплаб фойда келтирмоқда. Биргина ўтган йилнинг беш ойи мобайнида лаборатория корхонага беш миллион сўм соф даромад берди.

ШИФОКОР ВА ТАЛАБАЛАРГА ЁРДАМ

Пойтахтимиздаги Абу Али ибн Сино нашриётида «Сийдик йўли касалликлари формакотерапияси бўйича маълумотнома» китоби кўп нусхада нашрдан чиқарилди. Бу китобнинг муаллифи чирчиқлик уролог-шифокор, соғлиқни сақлаш фахрийси Цолак Мазманяндир. Йил охирида ушбу нашриёт Мазманяннинг яна бир китобини босиб чиқаришга тайёрламоқда. Иккинчи китоб «Сийдик йўли касалликлари бўйича диагностик маълумотнома» деб номланган. Бундай фойдали нашрлар жумҳуриятимизда биринчи марта чоп этилмоқда. Китоблар амалиётчи шифокорга ҳам, бўлғуси шифокор-талабага ҳам зарур манба сифатида қўл келади.

●

БИРИНЧИ ҚУРУВЧИ НОМИДАГИ КЎЧА

Шаҳар ҳокимлиги Стахановчилар кўчасини Чирчиқ шаҳрининг биринчи қурувчиси, фахрий фуқароси бўлган Ҳаким Шокиров номи билан аташ тўғрисида қарор қабул қилди.

Ҳ. Шокиров шаҳар тарихида алоҳида ўрин тутади. У Чирчиқ қурилишига кўнгилли равишда 1932 йилнинг ёзида келган эди. Аввал ер қазувчи, таъмир устахоналарида пайвандчи, сўнгра йирик қурилиш бригадасининг бошлиғи бўлиб хизмат қилди, техника мактабининг раҳбари бўлди. 1941 йил фронтга кетиб урушдан сўнг яна тўғри қадрдон шаҳрига қайтди ва машинасозлик заводига ишга кирди. Кўп йиллар давомида шаҳар ижроия қўмитасида масъул котиб бўлиб ишлади ва бевосита шаҳардаги қурилишлар иштирокчиси бўлди. Ўзи учун она шаҳридай бўлиб қолган Чирчиқнинг иқтисодий ва бошқа муаммоларини ҳал этишда муносиб улуш қўшди.

Шаҳар кўчаларидан бири унинг номи билан аталиши қонуний ва қувончли ҳолдир.

О. ЛЕВАК.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

● ЭЪЛОН ●

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Ўзбекистон» савдо ишлаб чиқариш фирмасининг йўқолган гербли муҳри

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Запорожец» енгил автомашинамни стенкага алмаштираман.

Мурожаат учун телефон: 97-72-81, 97-79-17.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БУЛИМИ — 33-40-48.

АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БУЛИМИ — 33-99-15.

● Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.

● Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар Бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000094. Буюртма Г—277. 29905 нусхада босилди, ҳажми—2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти—20.30. Босишга топширилди 21.00.